

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

2019

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар: ТАТУ ҳузуридаги ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази директори, п.ф.д., проф. Ф.Закирова,
ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти, т.ф.н. В.Каримова

Тақризчилар: Хорижий эксперт: С.Медетов – Нант политехника университети (Франция), Электрон ва рақамли технологиилар кафедраси профессори,
М.Якубов - ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси профессори, ф-м.ф.д.

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 (694) – сонли баённомаси билан тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	9
III. Назарий материаллар	166
IV. Амалий машғулот материаллари	41
V. Кейслар банки	643
VI. Глоссарий.....	665
VII. Адабиётлар рўйхати	700

I БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини таомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишининг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар таомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Электрон таълим муҳитини ривожлантириш” модулининг мақсади: Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида электрон таълим муҳитини ривожлантириш усувларини ўргатиш, электрон ўқув ресурсларини яратиш ва очик ресурслардан фойдаланиш методикаси билан таништириш.

Модулнинг вазифалари:

- олий таълим ахборот муҳитининг замонавий ривожланиш тенденциялари ва олий таълим сифатини таъминлаш имкониятини берувчи инновацион таълим технологиялари ҳақида тасаввурини ривожлантириш;

- оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse) ва педагогик дастурий воситалардан самарали фойдаланиш;
- олий таълим сифатига таъсир ўтказадиган электрон таълим имкониятларини очиб бериш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Электрон таълим муҳитини ривожлантириш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- олий таълим ахборот муҳитининг замонавий ривожланиш тенденцияларини;
- олий таълим сифатини таъминлаш имкониятини берувчи инновацион таълим технологияларини, 3D Интернет технологиясини;
- оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse) ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини;
- видеомаърузаларни яратиш дастурий воситаларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse) ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш;
- электрон таълим технологияларидан ўкув жараёнида фойдаланиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ўкув жараёнини электрон таълим технологиялари асосида такомиллаштириш;
- ўкув жараёнини оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse) асосида ташкиллаштириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Электрон таълим муҳитини ривожлантириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида яратилган интерфаол тақдимотлардан ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Электрон таълим муҳитини ривожлантириш” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш технологиялари”, “Жаҳон ахборот ресурслари” ва “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдони бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	Назарий	Амайӣ машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Олий таълим ахборот муҳитининг замонавий ривожланиш тенденциялари.	2	2		
2.	Электрон таълим ва унинг инновацион технологиялари. 3D Интернет технологияси.	2	2		
3	Оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC - Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse)дан фойдаланиш методикаси.	2		2	
4	Видеомаърузалар ва уларни яратиш дастурий воситалари.	4		4	
	Жами:	10	4	6	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза. Олий таълим ахборот мухитининг замонавий ривожланиш тенденциялари.

(2 соат)

АКТни ривожланишининг асосий тенденциялари. Электрон таълим ресурслари. Мултимедиали электрон ўқитиш воситалари.

2-маъруза. Электрон таълим ва унинг инновацион технологиялари. 3D Интернет технологияси.

(2 соат)

Электрон таълим, электрон таълим технологиилари. Инновацион таълим технологиилари (Mobile Learning, Cloud computing, One-to-One computing, Ubiquitous learning, Gaming, Redefinition of learning spaces, Teacher-generated open content, Smart portfolio assessment, Teacher managers/mentors). 3D Internet технологияси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий иш. Оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC - Massive Online Open Course), очиқ таълим ресурслар (Open Education Resurse)дан фойдаланиш методикаси (2 соат).

2-амалий иш. Видеомаърузалар ва уларни яратиш дастурий воситалар (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий фаолиятини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича асосли далилларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечинини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Ш БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум қубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни кўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
 - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
 - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)**
 - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
 - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
 - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)**
 - **Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсам бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтига саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдириллади, таҳирлаш мумкин)	

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“ВЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни танишитиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуя якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, хал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Муаммоли вазият

Тушунча таҳлили (симптом)

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

ШБҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маъзуа. Олий таълим муҳитининг замонавий ривожланиш тенденциялари

Режа:

- 1.1. АКТни ривожланишининг асосий тенденциялари.
- 1.2. Электрон таълим ресурслар.
- 1.3. Мултимедиали электрон ўқитиш воситалари.

Таянч иборалар: ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет технологиялари, электрон таълим, электрон таълим ресурслар, мультимедиа, мультимедиали ўқитии.

1.1. АКТни ривожланишининг асосий тенденциялари.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, глобал ахборот инфраструктураси ва инсониятни умумий ахборот меросини шакллантириш, янги истиқболли технологиияларни яратиш асосида жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маданий интеграциясига йўналтирилган халқаро ахборот сиёсати, инсон ҳуқуқи ва ижтимоий институтларни таъминлашнинг самарали тизимини яратиш, ахборотга эркин кира олиш ва алмашув-информацион ҳамжамиятни, цивилизация ривожининг янги босқичини тавсифловчи белгиларидир. Ахборот жамиятига ўтиш зарурияти жаҳон иқтисодиётида янги технологик тартиб шаклланиши ва устуворлиги, ахборот ресурсларини ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ҳақиқий ресурсларига ўтиши, жамиятни ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талабини қондириш, ижтимоий ишлаб чиқиши тизимида ахборот-коммуникацион инфраструктура аҳамиятини ошиши, халқаро ахборот алмашинувлар асосида маориф, илмий-техник ва маданий соҳаларнинг такомиллашуви, «глобал ахборот афзалликларини» тенг ҳуқук асосида ишлатиш билан шартланади.

Охирги йилларда электрон таълимнинг анъанавий таълимга қараганда афзаллик жиҳатлари кўпроқ аниқланмоқда. Сўнгги вактларда таълим олувчилар ва ўқитувчилар анъанавий таълимнинг баъзи турларига қараганда онлайн таълимнинг афзалликлари кўпроқ деган холосага келмоқдалар. Сабаби, таълим тизимида таълим сифатини оширишга қаратилган рақамли ўқитиш платформалари кўпаймоқда, бунда анъанавий ва онлайн таълимнинг энг яхши томонлари бирлаштирилиб аралаш таълим тизими шакллантирилмоқда. Аралаш таълим нархининг пастлиги, мослашувчанлиги, бепуллиги, бундан ташқари таълим жараёнида мураккаб технологияларни қўллаш афзаллиги ушбу альтернатива учун сабаб бўлади. Бу тенденцияга бўлган қизиқиши таълим жараёнида талабаларга таъсир этади ва таълим сифатини оширади. Кўпгина тадқиқотлар онлайн таълим талабаларда креатив фикрлашни ривожлантиришга сабаб бўлишини кўрсатган, яъни талабаларнинг мустақил таълим олишига, индивидуал эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнига мослаштириш қобилиятини шакллантиришга асос бўлади.

Электрон таълимда ривожланишини талабаларнинг рақамли дунёда ўзини эркин тутиши, яъни керакли маълумотларни юклаб олиши, таҳлил қилиши, онлайн контентлардан эркин фойдалана олиш қобилитида кўришимиз мумкин. Вакт ўтган сайин ушбу тенденцияга технологияларни қўллаш асосида анъанавий таълимнинг

ҳохлаган тури, методи, таълим бериш усулини киритишимиз мумкин. 2016 йил Campus Technology ўқитувчилар ўртасида “Технологияларни қўллаб дарс ўтиш” мавзусида сўровнома ўткази, бунда 71% ўқитувчилар анъанавий таълим билан бирга онлайн манбалардан фойдаланишини айтганлар.

Электрон таълим (адаптив таълим, онлайн таълим модулларини қўллаш) афзалликларини анъанавий таълим ижтимоий технологилари ва медиа ресурсларини биргаликда қўлланилишида кўришимиз мумкин. Максад эса талабаларнинг демографик гурух ва ижтимоийлашувидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб таълим моделини ишлаб чиқиш.

Тенденцияни янада ривожлантириш учун ОТМда талабалар таълими учун шарт-шароитлар яратилиши керак. Масалан, Рейерсон университетининг архитектор-талабалари виртуал реаллик гарнитурасини ўзларининг ҳажми катта лойиха эскиzlари учун қўлламоқдалар. Кўпгина ўқитувчилар ўқув жараёнини интернет билан боғласаларда, кузатувчиларнинг фикрича аралаш таълимда интернетнинг ҳам роли бор, бунда талаба индивидуал ёндашувга эга бўлади.

Электрон таълим муаммоси ечими “NMC Horizon Ҳисоботи- ОТМ” нашриётининг охирги 5 йиллик тенденциялари рўйхатига киритилган. Лондондаги Импер тиббиёт коллежи талабалари анъанавий ва онлайн таълимни биргаликдаги қўлланилишига асосланган иккита тажрибада иштирок этдилар.

Талабалар видеомаъruzani кўриб, вазифаларни бажариш имкониятини мавжудлигини юқори баҳоладилар. Талабалар ушбу модел тушунарли анимациялар билан яхши тизимлаштирилгани ва ўз-ўзини баҳолашда интерактив саволларга эгалигини айтиб ўтишдди. Америка ОТМлари ҳам қабул қилинган ечим аудиторияда ва аудиториядан ташқарида амалга оширса бўлади деган фикрдалар.

Юрист-талабаларга эса аралаш таълим маъруза ва материалларни интернетда кўриш имконини беради, бундан ташқари мураккаб саволларга жавоб топиш учун ҳам вақт етади деб айтмоқдалар.

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида ўқитиши тезлик билан ривожланиб бораётган таълим олиш турларидан бири ҳисобланмоқда. Электрон таълим тизими ихтиёрий масофадан ҳеч бир тўсиқларсиз таълим бериш ва таълим олиш имкониятини яратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидағи масофавий таълим тизимида ўқитиши самарадорлиги юқорироқдир (Меанс, Тояма, Мерфи, Бакия ва Жонс, 2013).

Реал вақт тизимидағи масофавий ўқитиши тизимида видеомаърузалардан фойдаланиш энг самарали ўқитиши усулидир. Мисол келтирадиган бўлсак, Ванг (2008) Тайванд давлатида 10 йил медицина соҳасида ўқиб, онлайнда ўқитилаётган тиббиёт бўйича видеомаърузалар ёрдамида аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлитини айтади. Яна бир мисол, Жанубий Кореяning пойтахти Сеул шахрида жойлашган Чунг- Анг университетида малака ошириш даврим мобайнида маълум бўлдики, ҳар бир фан бўйича онлайн электрон синфи (e-class) мавжуд. Фанга қатнашишга рўйхадан ўтган талаба “e-class” га ҳам кириш ҳукуқига эга бўлади. Ушбу “e-class” да нафақат Microsoft Power Point дастурида қилинган презентatsиялар балки, видеомаърузалар, уй вазифаси топшириклари ҳам мавжуд. Машғулотга маълум сабаб билан қанаша олмаган ёки дарсни яхши ўзлаштира олмаган талаба “e-class” га кириб видеомаърузалардан фойдаланиши мумкин. Бу албатта таълим олиш самарадорлигини янада оширади ва етук кадрлар тайёрлашга замин бўлади деган фикрдаман.

Хозирги кунда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) шиддат билан кириб келиши билан бирга, у таълимнинг самарадорлигини оширишда энг қулай омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам илфор мамлакатлар таълим тизимида компьютер техникасидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган изланишлар тўхтовсиз кечмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахборот коммуникациялар соҳасининг ривожланишида глобал тенденцияларни кўриб чиқамиз.

1. **‘Datafy’ now** – маълумотларни рақамли кўринишда етказиш, қайта ишлаш, тақдим этиш ва шу кабиларни амалга оширишни назарда тутган холда, тармоқ имкониятларини ошириш ва жамлаш. Бунда ташкилот ва муассасалар маълумотларни реал вақтда олишга имкони назарда тутилади;

2. **Cloud** – Булутли ҳисоблашлар янги концепция сифатида такомиллашаётган Интернет воситасида фойдаланувчиларга ихтиёрий хизматга исталган жойдан боғлана олиш имкониятларини берувчи муҳит сифатида эътироф этилади. Хозирги кунга келиб, кўплаб мутахассислар «булут» ўз имкониятлар борасида Интернетдан ҳам устунлик қиласи, деган фикрга эга бўлмоқдалар. Булутли ҳисоблаш технологиясининг тараққий топиши унинг мослашувчанлиги ва шаффоғлиги билан бир қаторда, сақлаш ресурслари, ҳисоблаш ресурслари, маълумот ва ахборотларни таъминлайдиган универсал коммуникация инфраструктурани яратишида асосий омил бўлаётганига олиб келди.

3. **Mobile** - янги иқтисодиёт, глобал иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, информацион иқтисодиёт, виртуал иқтисодиёт тушунчалари билан узвий боғлик. Янги иқтисодиётда Интернет ва мобиль алоқа каби технологиялар катта аҳамиятга эга. Интернет ва мобиль алоқанинг ривожланиши, ҳамма ерда тарқалиши ва улардан жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг фойдаланиш, хизмат кўрсатувчилар орасида ракобатни келтириб чиқаради, бу эса хизматлар спектрини ошишига олиб келади. Бунда тармоқлар ва хизматлар интеграцияси, яъни янги иқтисодиётнинг турли бозор сегментларини интеграцияси кузатилади. Аввалдан мавжуд бўлган Интернет тармоғи ва мобиль алоқа тармоқлари билан биргаликда мультисервис тармоқни келтириб чиқаради.

4. **Cybersecurity** - ҳозирги кунда ахборот-коммуникация тизимларига бўладиган таҳдидлар, рухсатсиз тизимга кириш холатлари турли хил йўллар билан амалга оширилишига жавобан хавфсизликни таъминлаш турли хил усуслар ва воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Жумладан, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларга ҳам бу борада алоҳида талаб қўйилади.

5. **Software** - ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш тизимида дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришни кўллаб-кувватлаш мазкур соҳа ривожининг пойдевори сифатида қабул қилинган тамойиллар.

6. **SDN** - дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар (Software Defined Network, SDN) тушунчаси ҳисоблаш ресурсларни виртуализация қилиш усулини назарда тутган холда, тармоқнинг бошқарув погонаси маълумот узатиш курилмаларидан ажратилган ва дастурий амалга оширилган маълумот узатиш тармоғини ифода этади.

7. **Pervasive Screens** - замонавий ахборот технологиялари ва Интернет, умуман, халқаро ахборот тармоғида замонавий техникани ва ишлаб чиқариш технологиялари ривожланиши, видео тенологиялари ривожланишини назарда тутган холда, фойдаланувчи учун *Watching whatever, wherever, whenever* – қачон ва

каерда бўлишидан қатъий назар, ихтиёрий нарсани кўриш имкониятини билдиради.

8. **Transportation** - ақлли транспорт воситалари пайдо бўлиши (Ford, VW, GM, Toyota, Hyundai, Mazda, Audi, BMW, Mercedes каби ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилиши бошланди). Бунда инсон хавфсизлиги масаласи биринчи ўринда деб белгиланади.

Шулар билан бир қаторда яна бир қанча ривожланиш тенденцияларни кўрсатиш мумкин. Умуман олганда, ҳозирги кунда жамиятни стандарт саноатлашган иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтиши кузатилмоқда. Янги иқтисодиёт мижозлари – фойдаланувчилар иқтисодиёти хисобланади, шунинг учун жаҳон ахборот ва телекоммуникация саноатини ривожланишини асосий омили кенг кўламда янги авлод хизматларини тақдим этиш бўлиб келмоқда.

1.2. Электрон таълим ресурслар

Таълимда фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш, ўқишни, мустақил масофавий таълим тизими билим олишни индивидуаллаштириш, технологиясини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида ЭТдан фойдаланган ҳолда талабалар ўқишини жадаллаштириш [2] ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Ўқув жараёнини ЭТ асосида ташкил этиш, шу жумладан, ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартиришлар киритиш керак бўлади. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсаддаги эришишдаги энг самарали йўлдир. Таълим тизимига электрон ахборот таълим технологияларини татбиқ этиш, таълим муассасаларининг моддий техник базасини танқидий баҳолаш ва такомиллаштиришдаги асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- ЭТни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун лозим моддий техника базасини яратиш;
- ўқув жараёни учун ЭТ мўлжалланган таълим технологияларини яратиш ва қўллаш;
- талабаларни замонавий ЭТ технологиялари соҳасида билим ва қўнималарини шакллантириш;
- ЭТни жорий этиш орқали таълим тарбия ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Электрон ахборот ресурслари таълимга оид ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидан иборат бўлиб, у таълимга оид турли ахборотларнинг яратилишини белгиловчи ички ва ташқи омилларга боғлиқ:

- ички омиллар — бу ахборотларнинг яратилиши, турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва х.к.
- ташқи омиллар — бу ЭТнинг техника ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради. ЭТдан фойдаланиш эса, улар билан мулоқотда фойдаланувчиларнинг кўнимка ва малакаларига боғлиқ. Шунинг учун, дастлаб замонавий телекоммуникация воситаларининг ўзи нималигини билиб олиш мухим саналади.

Замонавий телекоммуникация воситалари имкониятлари жуда кенг тизим бўлиб, унга маълум бўлган компьютер, мультимедиа воситалари, компьютер тармоқлари, интернет каби тушунчалардан ташқари, қатор янги тушунчалар ҳам киради. Буларга ахборот тизимлари, ахборот тизимларини бошқариш, ахборотларни узатиш тизимлари, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими, билимлар омбори кабилар мисол бўлиши мумкин. “XXI аср ахборотлаштириш асри” да таълим соҳасига электрон таълимни жорий этиш, ҳар бир таълим муассасасида: ўқитиш ва ўқиш жараёнининг; таълим муассасаси бошқарилишининг; таълим муассасаси фаолияти муҳитининг ахборотлаштирилишини талаб қилади.

Таълим муассасасида ЭТ муҳитини ташкил этиш босқичлари психологик ахборот муҳитини яратишдан бошланади.

Технологик ва илмий натижалар, яратилган дастурый маҳсулотлар асосида замонавий воситалар ва методлардан фойдаланишга эҳтиёж шакллантирилади. Бунда ҳар бир таълим муассасасида индивидуал ва маслаҳат машғулотлар асосида педагогларни мустақил ва компьютер таълими тизимини ташкил этиш керак. Таълим соҳасасида ахборот ресурсларини ташкил этиш ва таълимда фойдаланишга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим тизимига ЭТни жорий этиш, биринчи навбатда, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишига боғлиқ. Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси асосли механизмларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим (МТ) тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида ЭТдан фойдаланган ҳолда талабалар ўқишини жадаллаштириш ана шундай муҳим вазифалар сирасига киради. Ўқув жараёнини ЭТ асосида ташкил этиш, шу жумладан, ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартиришлар киритиш керак бўлади.

АКТни таълим жараёнида (хусусан, МТ жараёнини) қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади. Биринчи шарти, бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчиси шарти эса маҳсус дастурый таъминотлар билан таъминланганлигидир.

Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ кўрилмалари, юкори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳаказо. Дастурый таъминотга курилмаларни ишлатадиган дастурый таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Сўнгги йилларда ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди. Электрон таълим – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир. ЭТ ташкиллаштиришнинг қўргина манбалари орасидан қўйидагиларни қўрсатиш мумкин:


- Муаллифлик дастурый маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожланиш ва такомиллашувининг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимларини яратишга қаратилган. Соҳаларда катта хажмдаги ахборотларни тўпланиши, яхлит ахборот маконини вужудга келиши, уларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш жараёнларида замонавий ахборот–коммуникация технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйишни билиш лозим. Шу борада таълим тизимида хам ўкув жараёнини олиб бориш учун мўлжалланган турли компютер дастурлари ишлатилиб келинмоқда ва уларнинг сони кун сайин ортмоқда.

Электрон таълим ресурслар (ЭТР) - давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўкув жараёнини электрон воситалар ёрдамида комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълим–услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, мультимедиали электрон таълим ресурслари, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

ЭТР деярли барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлаш имконини беради. Бундан ташқари, унда давр талабидаги керакли интерфаоллик, кўргазмалик, мобиллик, ихчамлик ва уларни кўпайтиришда кам харажат сарфлаш, кўп вариантилилк, кўп босқичлилик бўлиш билан бирга билим ва кўникмаларни текшириш учун топшириклар, вазиятли масалалар, кейслар ва тестлар тўпламининг кўп бўлиши ҳамда вақти-вақти билан янгиланиб туришини таъминлайди. Замонавий электрон таълим ресурсларининг афзаллиги, аввало, ўкув жараённида талабаларда мустақиллик ва фаоллик ролини самарали ташкил этишдан иборат.

Таълим жараёнига ЭТРни жорий этиш талабаларга фан бўйича ахборотнинг тўлиқ манзарасини намойиш этиш билан бирга, ўкув материалини мустақил ўзлаштириш, ўқитишини индивидуаллаштириш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш имконини беради, яъни ўкув жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, замонавий электрон таълим ресурсларининг афзаллиги талабага тақдим этилаётган ўкув ахборотларини эркин қабул қилиш, уларни индивидуаллик хусусиятига кўра, ўзлаштиришида Педагогнинг ўқитишини функцияси талабанинг ўзига ўтади. Бунда Педагог ўқувчини факат қўллаб-куватлайди, ўкув ахборотлари оқимидан самарали фойдаланиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда керакли кўрсатмалар орқали муаммони ҳал этишда ёрдам беради.



1-шакл. Электрон таълим ресурсларининг таркибий тузилмаси

Электрон таълим ресурсларни яратишда унинг айрим муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда ЭТР мазмуни албатта янги авлод талабларига мувоғиқ келиши, шунингдек, билимлар соҳасида замонавий илмий-техник тараққиёт даражасига жавоб бериши шарт. Электрон таълим ресурслар тузилмаси икки мантиқий ўзаро алоқадор элементлар ёки модуллардан иборат бўлиши шарт. Алоҳида модулни ишлаб чиқиш ёки кўриб чиқишида улар турли хусусий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган хусусиятга эга бўлсада, умумий мақсадли алоҳида электрон таълим материал мазмунида очилиши шарт. ЭТР интерфейси шундай ташкил этиладики, у қатъий ифодали кўринишга эга бўлиши, кўргазмали воситалар панели фойдаланувчи учун ишлаш технологиясини ўзлаштиришда содда бўлиши шарт.

ЭТРдан фойдаланишда таълим курси мазмунининг келгусида такомиллашуви ва модернизатсиёси технологик жиҳатдан мураккаблашмаслиги имкониятини ҳисобга олиш шарт. ЭТР максимал даражада интерфаол бўлиши, етарли даражада мультимедияли маълумотларга эга бўлиши, зарур ўқув ахборотларини излашда ва қайта ишлашда қулайликларга эга бўлиши лозим.

Талабаларни касбий-мутахассислик бўйича электрон таълим ресурсларидан

фойдаланишга ўргатишида педагог уларни ўқув фаолиятини түғри тақсимлашга ўргатиши зарур. Қуйи босқич талабалари ўқув материали билан ишлашда талаб даражасидаши тажриба ва малакаларга эга эмасликларини ҳисобга олшан ҳолда педагогдан талабаларга мустақил ишлаш усуллари ва методларини ўзлаштиришларига ёрдам бериш, эътибор билан ушбу жараённи бошқариш талаб этилади.

Педагог мунтазам равишда, фан бўйича таълим дараёнида топшириқларини соддадан мураккабга қараб такомиллаштириб бориб, мустақил ишлаш вақтини ўзгартириши, уларда индивидуал ишлашга қизиқиши ва интилишини кучайтириб бориб ижодий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берувчи индивидуал тошириқлардан фойдаланиши мумкин. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишда анъанавий таълим воситаларидан кўра ЭТРдан фойдаланишнинг афзалликлари 2-шаклда келтирилган.



2-шакл. Электрон таълим ресурсларининг афзалликлари

Электрон таълим ресурси (ЭТР)га яратиш жараёнида қўйидаги талабалар қўйилади:

- амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига тўла мувофиқ бўлиши;
- таълим олувчига қизиқарли ҳамда жамият ривожланиш даражасига мос илмийликка эга бўлиши;
- таълим жараёнида билимни ўзлаштириш даражасини ошириш учун, фан-техника ва технологиялар эришган ютуқлардан максимал даражада фойдаланиш;
- берилиши зарур бўлган ўқув материалининг ҳажми ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар даражасига мос бўлиши;
- таълим олувчиларнинг қобилияти даражасига қараб тақдим этиладиган ўқув материалини бериш интенсивлигини ўзгартириш имкониятини таъминлаш;
- иқтидорли таълим олувчилар учун ЭТР фан доирасида маҳсус кўшимча материаллар тақдим этиш (олимпиада масалалари, Нобель мукофотларига тақдим этилган тематикалар ва ҳ.к.)
- таълим олувчининг интеллектуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қулай, содда, аниқ ишлаб чиқилган бўлиши;

- ўрганиладиган ўқув материалини таълим олувчи осонроқ ўзлаштирилиши учун имконият доирасида овозли, анимацион, расм ва шу каби медиа файллар билан бойитилган бўлиши;
- мураккаб ҳисоб-китобларни амалга ошириш, олинадиган натижаларни таҳлил қилиш, натижаларни график интерпретация орқали намойиш этиш, ўрганиладиган фан мазмунига кўпроқ эътибор бериш, масала ва мисоллар ечиш учун шароит яратилиши;
- ўрганувчининг эътиборини чалғитувчи ортиқча элементлар бўлмаслиги керак;
- ўрганувчининг билим, қобилият ва психологик хусусиятлари даражасини ўқув жараёнига мувофиқлигини таъминланиши;
- ўрганиладиган фан бўйича исталган босқичда ўз-ўзини назорат қилишга имконият яратиш;
- ўрганиладиган фан бўйича тайёрланадиган материалларни исталган ташувчига ўтказиш ва диск ёрдамида тақдим этиш имкониятини яратиш;
- фанни ўрганишда имконият доирасида калит сўзлар, қўшимча адабиётлар, гиперкўрсатмалар ва ёрдамчи функцияларидан фойдаланиш имкониятларининг бўлиши;

Замонавий таълим тизими элементларини реал шароитда ўқув-материал, молиявий-иқтисодий, норматив-хуқуқий ва маркетинг тизимлари қўллаб-куватлади.

Электрон таълим (e-Learning) — юқорида айтганимиздек, ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган ўқитиш тизими. ЮНЕСКО мутахассислари бу ўқитиш тизимини қўйидагича таърифлайдилар: «e-Learning — интернет ва мультимедия ёрдамида ўқитиш жараёни» ва у ўз ичига электрон таълим қўлланмаларини, ўқиш жараёни ва технологияларини олади. Демак, e-Learning компьютер воситаларини ўқув жараёнига қўллаш натижасида пайдо бўлди. Бунда анъанавий ўқитиш усули билан биргаликда компьютердан фойдаланиб ўқитиш амалга оширилди.

Хозирги кунда электрон ўқитиш ахборот коммуникация технологияларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у доимий равишда такомиллаштирилиб, ривожлантириб борилмоқда. Онлайн ўқитиш илғор ўқув муассасаларида тез ривожланиб бормоқда. Кўпгина ўқув муассасалари ўз курсларини онлайн-аудиторияларда амалга оширишни таклиф қилмоқдалар. Хозирги кунда бундай курслар кўпайиб бормоқда. Бундай курсларни олиб бориш учун замонавий ахборот – коммуникация технологияларини билган мутахассисларга топширилади.

Таълим соҳаси ахборот-коммуникация технологияларининг энг кўп ишлатиладиган соҳа ҳисобланади. Электрон таълим ўқитиш жараёнининг кучли сиёсати бўлиб, Педагоглар анъанавий ўқитиш усуllibарини ўрнини босади демак, балки «бойитилган» кўриниши деб атадилар. Тиббиётда таълим жараёнида ўқитишнинг самарали кўриниши сифатида мультимедия эхокардиографик тасвиirlар намойиш этилаётганда кимёвий ва физик жараённи тушунтиришда ва умуман тиббий таълимда кенг қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, биринчи навбатда, мавжуд ўқув ва бошқариш технологиясини такомиллаштиришга олиб келади. Шу билан бирга, улар тадқиқот, ўқитиш методлари ва ахборот билан ишлашнинг янги усуllibарини яратишга олиб келишини таъкидлаш лозим. АКТ талабаларни индивидуал

таълим олишлари учун қулай шароит яратиб, талабалар билим олишларини қизиқарли машғулотга айлантиришда самарали воситаси ҳисобланади. Таълим жараёнида АКТдан фойдаланиш, айниқса, мустақил таълим жараёнида ўқитувчилар учун алоҳида эътибор лойиқлиги, талабаларда эркин ижодий фикрлашни ривожлантиришга олиб келади.

1.3. Мултимедиали электрон ўқитиш воситалари

Таълим муассасаларида кенг йўлга қўйилган **мултимедиали электрон ўқитиш** педагог ва таълим олувчи учун кучли, қулай ва самарали восита ҳисобланади.

Бугунги кунда электрон таълим курсларининг технологик асослари ва мазмун-моҳияти тубдан ўзгариб бормоқда. Матн кўринишидаги ахборотга эга таълим мажмуалари ўрнига овоз, анимация, видео имкониятига эга, виртуал лаборатория амалиётлари, қидиув ва эксперт тизимлар модули ҳамда ички дастурий-дидактик алгоритмлар, талаба—педагог—ўқув материали ўзаро муносабати орқали амалга оширилувчи мультимедияли ва интерфаол комплекслар кириб келди. Мультимедиа технологиялари (multi – қўп, media – муҳит) – бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг бир нечта усулларидан фойдаланишга имкон беради: матн, тасвир, аудио ва видео.

Мультимедиали технологиянинг энг муҳим хусусияти интерфаоллик – ахборот муҳити ишлашида таълим олувчига таъсир ўtkаза олишга қодирлиги ҳисобланади. Сўнгги йиллар давомида кўплаб мультимедиали дастурий махсулотлар яратилди ва яратилмоқда: энциклопедиялар, ўргатувчи дастурлар, компьютер тақдимотлари ва бошқалар. Мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш муаллифнинг маҳорати, тажрибаси ва ижодкорлигига боғлиқ. Мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратишнинг усулларини шартли равища икки қисмга ажратиш мумкин:

- Дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда (қўп меҳнат талаб қилинади);
- Инструментал тизимлардан фойдаланган ҳолда.

Мультимедиа технологиялари қуйидаги хусусиятлага эга бўлиши ва қуйидаги функцияларни бажариши лозим:

- каттиқ дискларда жуда катта ҳажмдаги ахборотларни сақлай олиши лозим, зеро мультимедиа махсулотлари жуда катта ҳажмдаги хотирани талаб қиласди;
- ахборотларни сақлашга мўлжалланган алмашинувчи лазер диск - CD-ROM ва DVD. Бу билан компьютерга мураккаб дастурий воситаларни кўчириб ўтказиш ва амалий дастурларни тезликда алмаштириш, файлларнинг жуда катта массивини сақлаш имконияти мавжудлиги;
- Стерео ёки SURROUND DOLBY сифатидаги товушли ахборотлар билан ишлайдиган қурилмалар ва юқори сифатли акустик тизимлар мавжудлиги;
- График ахборотларни чиқаришга мўлжалланган қурилмалар - юқори сифатга эга бўлган суюқ кристалли дисплейлар ёки мультимедиали проекторларнинг мавжудлиги;
- График ахборотларга ишлов бериб уларнинг сифатини яхшилаш имконияти мавжудлиги;
- Видеофильмларни киритиш қурилмаси – оддий аналог магнитофонлардан фойдаланиб ахборотларни киритиш имкониятини берувчи махсус плата.

Кейинги пайтларда график ахборотларни тўғридан тўғри компьютерга

киритувчи видеокамералар ҳам пайдо бўлди. WEB-камералар ёзиб олувчи қурилмаси бўлмасада ахборотларни компьютерда ёзиб олиш имкониятини яратади. Одатда WEB-камера компьютернинг USB портига уланади ва маҳсус дастурий таъминот орқали бундай ахборотларни тўғридан тўғри Интернет тармоғида намойиш қилиш имконияти мавжуд.

Мультимедиа маҳсулотлари уч тамойилга асосланади:

1. Инсон томонидан идрок қилинаётган муҳитлар тўплами комбинатсида ахборотларни тақдим этиши.
2. Маҳсулот мазмунида бир неча сюжет линияларининг мавжудлиги (жумладан, «эркин қидириш» асосида фойдаланувчи томонидан ахборот маҳсулоти мазмунига мос доирада тақдим қилинган ахборот).
3. Интерфейс ва навигация воситаларининг бадиий дизайни.


Ахборотларни тақдим қилишдаги мультимедиа технологияларининг самараси ва хусусиятлари қуидагича баён қилинади:

- бир ташувчida катта ҳажмдаги турли-туман ахборотларни сақлаш имконияти (20 томлик муаллифлик матнларини, 2000 дан ортиқ юқори сифатли тасвирларни, 30-40 минутлик видео ёзувлар, 7 соатлик товуш);
- тасвир ёки унинг маълум бир қисмини катталаштириш (аниқлаштириш), тасвир сифатини сақлаб қолганда уни йигирма мартагача катталаштириб кўрсатиш каби имкониятлари мавжуд.

Бу имконият санъат асарлари ва тарихий ҳужжатларни тақдимотида катта аҳамият касб этади.


Компьютер графикаси—бу компьютер бошқарувида график обьектларни киритиш, чиқариш, тасвирлаш, ўзгартириш ва таҳрирлашдир. Шунинг билан бирга, информатиканинг маҳсус қисми бўлиб, дастурий-аппарат ҳисоблаш комплекслари ёрдамида тасвирларни яратиш, монтаж қилиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситаларини ўрганади.. Видеофайлларни яратишда векторли ва растрли усулларидан фойдаланилади.

Замонавий мультимедиали маҳсулотларни ишлаб чиқиш технологиялари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу технологиялардан фойдаланган ҳолда мультимедиа иловалари (3-шакл) таълим жараёнларида кенг қўлланилмоқда.



3-шакл. Таълим жараёнида қўлланиладиган мультимедиа иловалар

Мультимедиа иловалари мавзу танлаш, иш майдонини белгилаш (масштаб ва фон), кадрлар, қатламлардан фойдаланиш, турли шакллар символларини яратиш, дастурлаш тилида ўзгарувчилар киритиш ва скриптлар ёзиш, товушли файллар билан ишлаш, матн қўшиш, эфектлар яратиш, расмлардан фойдаланиш ва импорт қилиш, кутубхонадаги тайёр компонентлардан фойдаланиш, навигация ни яратиш, матн разметкаси тиллари ва скриптлаш тилларидан фойдаланиш. Иш якунида кадрга олинган видео лавҳаларни монтаж қилиш ва фойдаланувчига етказиш каби таркибий қисмлардан иборат бўлган компонентларга (3-шакл) эга.



4-шакл. Мультимедиа компоненталари

Ушбу технологияларга асосланган ҳолда мультимедиали дарсларни шакллантириш мумкин. Компьютерда яратилаётган иловаларнинг деярли барчаси векторли графикага асосланган.

Бугунги кунда таълим олувчилар учун ўргатувчи ўқув дастури, тайёр тақдимот намуналари, матнлар билан ишлаш воситалари, бошловчилар учун фойдали ёрдам тизимлари мавжуд. Яратилаётган мультимедиа таълим воситаларини мақсадларга кўра гурухларга таснифлаш мумкин.

Функционал мақсадига кўра:

- таълим берувчи ўқув ахборотини тақдим этади ва талаба эгаллаган билими, имкониятлари ва қизиқишлирига мувофиқ таълим олишини йўналтиради;
- ташхис воситалари таълим олувчи (талаба)нинг билим ва тайёргарлик даражасини аниқлаш учун мўлжалланган;
- жиҳозлар, дастурий воситалар ишлаб чиқиш, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш учун мўлжалланган;
- фанга йўналтирилган, моделлаштириш учун мўлжалланган;
- бошқарув воситалари, таълим жараёнида таълим олувчи (талаба)лар фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган;
- маъмурий воситалари, таълим жараёнини ташкил этиш, хужжат тайёрлаш ва алмашиш жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган;
- ўйин воситалари, турли хил ўйин ва ўйинли таълим фаолиятларини таъминлайди.

Услубий мақсадга кўра:

- ўргатувчи - янги материални ўрганиш учун мўлжалланган;

- тренажёрлар - ўрганилган материалларни тақрорлаш ва мустаҳкамлаш орқали малака ва кўникмаларни шакллантириш учун мўлжалланган;
- назорат қилувчи - ўқув материалини ўзлаштириш даражасини назорат қилиш учун мўлжалланган;
- ахборот воситалари - зарур бўлган ахборотларни олиш учун мўлжалланган;
- моделлаштирувчи - объект, жараён ва ходисани ўрганиш ва тадқиқот қилиши мақсадида унинг моделини яратиш учун мўлжалланган;
- иммитацион воситалар - воқеаликнинг бирор-бир маълум жиҳати, функционал характеристикаларини чекланган параметрлар орқали ўрганиш учун мўлжалланган;
- намойиш воситалари - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш учун ҳамда ўрганилаётган қонуниятлар, обьектларнинг ўзаро алоқаси визуализацияси учун мўлжалланган;
- ўйин воситалари - энг мақбул ечим ёки амаллар стратегиясини қабул қилиши мақсадида ўқув холатларини «ўйнаш» («бошдан ўтказиш») учун мўлжалланган.

Назорат саволлар:

1. АКТ соҳаси ривожи ва глобаллашув жараёни ўртасидаги муносабатни тушунтиринг.
2. Ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланишида глобал тенденцияларни келтириб ўтинг.
3. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мисоллар келтиринг.
4. Ўқитишининг янги ахборот технологияси деганда нима тушунилади?
5. Ўқув-тарбия жараёнида АКТ аҳамиятини изохланг.
6. АКТдан таълим жараёнида фойдаланиш асосларини келтириб ўтинг.
7. Электрон таълим ресурсларга нималар қиради?
8. Мультимидали электрон таълим ресурсларига мисоллар келтиринг.

Адабиётлар ва интернет ресурслар:

1. Information and communication technologies in education: UNESCO Institute for information technologies in education (Информационные и коммуникационные технологии в образовании: Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании) – М. : ИИТО ЮНЕСКО, 2013.
2. Novak, P. The Growing Digital Divide: Implications for an Open Research Agenda. Understanding the Digital Economy: Data, Tools and Research. Ed. B. Kahin and E. Brynjolfsson. Cambridge, MA: The MIT Press., 2000.
3. Measuring the Information Society (MIS). Executive Summary. ITU edition, 2015.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007.
5. Портал Интернет-обучения E-education.ru – <http://www.e-education.ru>

2-маъруза. Электрон таълим ва унинг инновацион технологиялари. 3D Internet технологияси

Режа:

- 2.1. Электрон таълим.
- 2.2. Электрон таълимнинг инновацион технологиялари.
- 2.3. 3D Internet технологияси.

Таянч иборалар: электрон таълим, электрон таълим технологиялари (*Mobile Learning, Cloud computing, One-to-One computing, Ubiquitous learning, Gaming, Redefinition of learning spaces, Teacher-generated open content, Smart portfolio assessment, Teacher managers/mentors*), аралаши таълим, 3D Internet технологияси.

2.1. Электрон таълим.

Электрон таълим – бу тез ривожланувчи соҳа ҳисобланади, унинг ривожланиши 1980 йиллардан кейинги йиллардан (масофадан ўқитиш ва телевизион курслар шаклида) бошланган. Технология шунчалик тез ривожланди, географик фарқини ўзингизни аудитория ичидаги ҳис қиласиган даражада намоён қиласиган инструментлар ёрдамида кўриш мумкин. Электрон таълим видео, слайдшоу, Word ва PDF хужжатлари кўринишидаги турли форматдаги материаллар билан танишиш имконини беради. Вебинарларни ўтказиш ва ўқитувчилар билан мулокотда бўлиш фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш имкониятларидан бири бўлган чат ва форумлар орқали амалга оширилади.

Кўплаб турли e-Learning тизимлар (буғунги кунда маълум бўлган ўқитишни бошқариш тизими ёки LMS сифатида) ва online курслар етказа олиш имконига эга бўлган методлари мавжуд.

Инструментлар ёрдамида on-line курсларни ва автоматик адаптив тестларни яратиш учун материаллар тўплами каби турли жараёнлар автоматлаштирилган бўлиши мумкин. Электрон таълим таълим оловчиларга таълимнинг ҳаёт тарзига айлантириш имконини берадиган қулай (кўп ҳолларда бепул) ечим ҳисобланади. Бунда хаттоқи банд бўлганлар ҳам кейинги ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва янги малакаларни олиш имконини беради¹.

Таълим соҳасидаги муҳим ҳодисалардан айримлари интернет пайдо бўлгандан кейин содир бўлди. Буғунги кунда ўқувчилар смартфонлардан фойдаланишини, матнли хабарларни жўнатишни ва интернетдан фойдаланишини яхши билишади, шунинг учун on-line курслар билан иштирок этиш ва ишлаш оддий иш ҳисобланади. Эълонлар тахтаси, ижтимоий тармоқ ва коммуникация интернетининг бошқа турли воситалари ўқувчиларга on-line курсларда бўлиши ва ўрганилаётган курсга боғлиқ бўлган масалаларни умумийлик ҳиссини таъминлаган ҳолда, муҳокама қилиш имконини беради.

Электрон таълимнинг тез ўзгарувчан дунёда, бунгунги кунда ўрганилаётган курсни янги ва қизиқарли қилиш, курс мазмунини доимо ўзгартириш, шунингдек талабаларга энг охирги ахборотни олиш имконини бериши учун тез янгилаш имконини берадиган технологиялар қулайдир.

¹ E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013. P. 4-15

Умуман, анъанавий ўқитиш жуда қиммат бўлади, кўп вақт талаб этади ва натижаси фарқланади. Электрон ўқитиш тез бўлади, анчагина арzon ва потенциал тарзда яхши бўлган альтернативани таклиф этади.

Онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликларини қараб чиқамиз.



2.1-расм.

Бедрал Хан (Badrul H. Khan) томонидан таклиф этилган электрон таълим концепциясида саккизта: педагогик, технологик, педагогик интерфейс дизайнни, баҳолаш, бошқариш, ресурсларни қўллаб қувватлаш, этик асослар, асобоб ускуналар жиҳати мавжуд. Тизим қулай ва батафсил текширувчи рўйхатдан иборат. Ушбу рўйхат муассасалар таълим технологияларни жорий этишга қанчалик тайёрлигини ёки уларнинг ўсиши учун қандай имкониятлари мавжудлигини мустақил баҳолаш учун инструмент бўлиб хизмат қиласди. Ушбу тизим модель бўлиб ҳисобланмайди, чунки тизим ўкув муҳити технологияларини ишлаб чиқишининг муайян процедурасини назарда тутмайди. Бироқ тизим веб ва аралаш ўқитиш негизида ўқитишни ишлаб чиқиш, яратиш, жорий этиш ва баҳолаш масалаларини ҳисобга олади ҳамда қўйидагиларни бошқаришга хизмат қиласди:

- Таълим технологияларни ва аралаш ўқитиш учун материалларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш;
- Таълим технологиялари, виртуал ўқитишнинг аралаш ва қулайлик яратилган муҳит учун ресурсларни ташкил этиш;
- Корпоратсия, давлат ва хусусий олий ўкув юртлари, виртуал университетлар ва кибер-мактаблар учун тақсимланган ўқитиш тизимини яратиш;
- Таълимни бошқариш тизимини ва муаллифликнинг комплексли тизимини ишлаб чиқиш;
- Аралаш ўқитишнинг таълим технологиялари, курслари ва дастурларини баҳолаш;
- Таълим технологияларини яратиш, ўқитишни бошқариш ва ўкув контентини бошқариш учун инструментлар ва тизимларни баҳолаш.

Электрон дарсликлар, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда энг муҳим тушунча ва қонуниятларни тушуниш ҳамда ёдда сақлашни максимал даражада енгиллаштиради. Қуйида муаллифлик дастурий таъминотларининг имкониятлари ҳақида фикр юритилади. Articulate Storyline курслар яратиш учун мўлжалланган энг машхур дастурлардан бири бўлиб, у мослашувчан, фойдаланишда қулай ва турли мақсадли курслар яратиш учун ишлаб чиқилган. Articulate Storyline — уч утилитли (Presenter, Quizmaker, Engage) пакет, ўргатувчи курсларни, тақдимотлар, тестлар ва контентнинг бошқа шаклларини iPad да кўриш ва масофали таълим тизимларига интегралланиши мумкин бўлган Flash ва HTML 5 форматларда яратиш имкониятини беради. Дастур мураккаб интерфаол сценарийларни амалга ошириш учун деярли чексиз имкониятларни таклиф этади. Энди ўкув курсининг мураккаб интерфаол сценарийсини яратиш учун дастур тузишни ёки Flash ни қўллашни билиш шарт эмас — Articulate Storyline бунинг учун барча воситаларни таклиф этади. Ушбу дастурнинг хусусияти осон ўзлаштирилишида, шунингдек, яратилаётган лойиҳаларнинг ёрқин визуал услубида: Articulate Storyline маҳсулотларида ишланган роликлар бошқа E-learning мухаррирларидан кўра янада замонавийроқ ва динамироқ кўринади. Дастур Microsoft Office 2007 га ўхшаш интерфейсга эга, ишлаб чиқувчилар фойдаланувчилар ўрганишлари осон бўлиши мақсадида ташқи кўринишни PowerPoint га максимал ўхшашлигини таъминлаганлар. Юқорида буйруқлар тўпламидан иборат классик Ribbon-панел жойлашган. Барча турдаги мультимедияли контентлар: видео, флаш, овоз, веб-объектларни қўйишни қўллаб-қувватлайди. Барча кўп тарқалган видео (flv, avi, wmv, mov, mpeg, dv, 3g) ва овоз (mp3, wma, wav, m4a, aa, aiff, ogg) форматлари импортланади, бундан ташқари, Интернетдаги роликнинг HTML - кодини ёки веб-камерадан видео-ёзиш, овозни эса

микрофондан ёзиб қўйиш мумкин. swf — роликлари ҳам муаммосиз қабул қилинади, бу эса бошқа мультимедия мухаррирларининг лойиҳалари билан интеграциялаш бўйича чексиз имкониятларни очади. Web - саҳифалар слайдларда фреймлар кўринишида акс этади. Улардан фойдаланиш мумкин ва бу ҳам роликларни лойиҳалаш имкониятларини кенгайтиради. Articulate Storyline асосий хусусиятлари:

- оддий интерфейс. Тақдим этилган интерфейс фойдаланувчини қўшимча маълумот талаб этмасдан курсларни нолдан бошлаб ёки шаблонлар асосида яратиш имконини беради. Интерфейснинг мантиқ ва кўриниши Power Point билан ўхшаш;

-слайдлар шаблонлари. Нолдан бошлаб ёки шаблонлар ёрдамида слайдлар яратиш. Шаблонлар ўлчовлари созловлари оддий. Курсларнинг қўшимча шаблонларини ва слайдларини E-learning Heroes сайтидан юклаб олиш имконияти.

-персонажлар. 47500 тагача чизилган ва фотоперсонажларни, юз ифодаларни ва туриш ҳолатларни слайдларга қўшиш.

-интерфаоллик. Муайян харакатларни қачон ишга туширишни аниқлаш учун триггерларни қўллаш. Слайддаги компонентлар ўртасида бир неча ўзаро таъсиrlар яратиш учун слайдлар қатламлари билан ишлаш.

-слайдларда генерация, таҳрирлаш ва обектларнинг ўзаро таъсирини назорат қилиш.

-ҳолатлар ва ўзгарувчилар. Иштирокчи харакатларига жавоб бериш учун обектларни созлаш имконияти. Мисол учун, босилганда тугмача рангини алмаштириши мумкин, персонажлар—нотўғри харакатда юз ифодасини ўзгартиришлари ва ҳоказо. Агар тингловчи нотўғри жавоб берса, унга қўшимча саволлардан ёки янада соддароқ вазифалардан иборат слайдлар очилиши мумкин.

-20 дан ортиқ турли хил типдаги саволлар. Бундан ташқари, ихтиёрий шакллар слайддаги ихтиёрий обьект ёрдамида саволлар яратиш имкониятини беради.

-drag-and-drop ни қўллаб-қувватлайди. Олиб ўтиш билан слайдга объектлар қўшиш.

-экран ҳолатларини ёзиб олиш. Ёзув электрон курс билан қандай ишлашни намойиш этади.

-симуляцион. Дастур экранини бир маротаба ёзиб олингандан сўнг автоматик равища, ёзувни бир неча қадамма-қадам йўриқномаларга сегментлайди. Ёзув осонгина таҳрирланади — ҳатолик бўлганда, уни қайта яратиш шарт эмас. Натижада тингловчилар вазифаларнинг бажарилишини, шунингдек, уларнинг тест мухитидан ўтишини кўриб чиқишилари мумкин.

-HTML5 ва Flash технологияларининг, шунингдек, мобил қурилмаларини қўллаб-қувватлаши. Курсларни iPad, шахсий компьютерлар, ноутбуклар, Android ва ҳоказоларга мослашган қурилмалар учун турли форматларда нашр этиш.

-курс (автоматик тарзда генерацияланадиган) дараҳтини кўриш имконияти.


-намойишларни яратиш восита етарлича қулайлиги, слайд тартиби бўйича ўйнаш ва видео роликларни яратиш имконияти билан.

-чиройли персонажларни танлаш имконияти (уларни созлаш механизми кулади).

-етарлича қулай ва тушунарли интерфейси, барча асосий масалалар иш майдонининг ўзида ечилади.

-қўшимча созловларсиз фойдаланиш мумкин бўлган кўпгина элементлар дизайнининг сифатли шаблонларнинг киритилганлиги.

-саволларнинг ягона банкини яратиш имконияти.



2.2-расм. Articulate Storyline дастур ойнаси.

Adobe Captivate (аввалги RoboDemo сифатида танилган) — Windows ва дастурий таъминотни намойиш этиш, видео-дарсларни ёзиш, дастур симуляциясини яратиш, ўқув тақдимотларни яратиш ва .swf форматда турли тестларни яратиш учун қўлланилиши мумкин. Adobe Captivateдаги генерацияланган .swf ни .avi форматига видеохостинг сайтларга конвертatsя қилиш имконияти мавжуд. Дастур симуляцияларини яратиш учун Captivateда чап ва ўнг сичқонча тугмасини босиш ва клавишаларни босиш мумкин. Шунингдек, Adobe Captivateни скринкастларни, подкастларни яратиш ва Power Point тақдимотларини Flash форматига конвертatsя қилиш учун қўллаш мумкин.

Adobe Captivate ёрдамида дастурларнинг интерфаол намойишлари, симуляциялар, ёрдамчи маълумотлар, скринкастлар, ўйинлар ва дарслар яратиш ва таҳрирлаш мумкин. Adobe Captivateда яратилган скринкастлар экрандан қилинган ёзувларга нисбатан анча кам жой эгаллайди. Фойдаланувчилар Captivateда тақдимотларга эфектлар, фаол нуқталар, матнли соҳалар, видео ва ҳоказоларни қўшиб таҳрирлашлари мумкин. Муаллифлар мазмунини ва у ёки бу элементни пайдо бўлиш вақтларини таҳрирлашлари мумкин. Faol нуқталарни босиш бошқа слайдга ўтиш, шунингдек, ташки мурожаатларга ўтишни таъминлаши мумкин. Captivate тасвирларни, Power Point тақдимотларни, видео, .flw ва аудиоларни лойиҳага импорт қилишни қўллаб-қувватлади. Adobe Captivate дастури материалларни яратиш ва намойиш этишнинг қулай воситасидир. Captivate кенг доирадаги имкониятларни таклиф этади: Power Point да яратилган тақдимотлар асосида ўқув материалларни яратиш, монитордаги суратни олиш, саволга берилган жавобга боғлик равишда ўтиш имкониятли тестлар яратиш.




2.3-расм. *Captivate* дастур ойнаси.

Үқув материалларига матнли маълумотларни киритиш майдонлари ва тўғри жавобни танлаш имконияти бўлган сўровлар каби интерфаол элементлар жойлаштирилиши мумкин. Adobe Captivate файлларининг компакт ўлчови ва юқори рухсатлилиги, илова билан ишлаш қўнималарга эга бўлишда кенг фойдаланилиши, ёрдамчи маълумотларни тақдим этиш ва янги маҳсулотлар имкониятларини намойиш этиш имконини беради. Талаб этилган қисмларни катталаштириш технологиясини қўллаган ҳолда ўқув контентга эга экраннинг аниқ соҳаларига фойдаланувчи диққатини жалб қилиш имконини беради. Adobe Captivate ёрдамида ишлаб чиқилаётган ўқув курслари Flash технологиясига асосланган. Adobe Captivatening юқорида кўриб чиқилган имкониятларига қарамай, бу технология ёпик, маҳсус ва планшет қурилмалар ва смартфонлар қўллаб-қувватланмаслигини таъкидлаш лозим.

Lectora дастури Огаё штатида жойлашган Тривантис корпоратсion жамиятида 1999-йилда Тимоти Лоудермилк томонидан яратилган. Ҳозирги вақтга келиб, дастурдан 64дан ортиқ давлатларда фойдаланиб келинмоқда. Lectora Inspire дастури масофали таълим жараёнида электрон ўқув контенти яратиш учун ва электрон ўқув мажмуаларини яратиш имкониятини берувчи дастур ҳисобланади. Дастур асосан:

- масофали таълим курсларини яратишида;
- тақдимот файлларини яратишида;
- назорат тестларини яратишида;
- .ppt форматидаги файлларини бошка таълим форматларига (SCORM ёки TinCan) ўтказишида;
- интеллектуал ўқитиш курсларини яратишида кенг фойдаланилади.



2.4-расм. Lectora Inspire дастурининг кўриниши.

2.2. Электрон таълимнинг инновацион технологиялари.

Электрон таълим бевосита интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиб, Интернет таълим тизимини шакллантиришга имкон беради. Бунда қуидагиларни алоҳида ажратган холда, таълимни ривожланишидаги мухим омиллар сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир:

1. Mobile Learning. Мобил ўқиш ва ўқитиш. Аппарат ва дастурий таъминот ютуқлари mobile “smart phones” маконини яратищдаги воситаларни яратилишига туртки бўлди. Интернет тармоғига уланган ва хисоблаш имкониятларга эга мобил кирилмалар хаттоки замонавий компьютерлардан оммалашиб кетди.

2. Cloud computing. Ўтган бир неча йиллар мобайнида булутли хисоблаш концепцияси ва виртуаллаштириш тамоили анча тарақкий этди ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мухим технологиялардан бирига айланди. Кўплаб ташкилотлар инфраструктурасидаги сарфни, бошқарувга кетадиган вақтни камайтириш ва такомиллашган виртуал машиналар учун кетадиган харажатларни қисқартириш мақсадида бу янги технологияни тадбиқ этишни амалга оширишга киришди. Булутли хисоблашлар ўзида фойдаланувчиларга интернет тармоғи иловаларидан фойдаланиш учун қулай мухитни мужассам этади: ушбу нуқтаи назардан улардан фойдаланиш долзарблиги мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий фаолиятида, шу жумладан электрон хукуматни жорий қилиш ва шакллантириш доирасида алоҳида ахамият касб этади.

3. One-to-One computing. Ўқитиш жойида ташкиллаштирилаётган ахборот мухити тобора тингловчига яқин ва дўстона тарзда амалга оширилмоқда. Бунда технологияларга универсал имконийлик тамоили илғор сурилиб, турли қурилма

ва мосламалардан турли вазиятларда қулай фойдаланишни таъминлаб беради (laptop, computer, smart phone, tablet, кабилар асосида шаффофф синф яратилиши).

4. Ubiquitous learning. Хар вақтда ва хар ерда тамойили (“anytime, anywhere”) анъанавий дарс давомийлигини ва ташкил этилишини такомиллаштирилишини назарда тутади: виртуал мухит орқали тингловчи учун “ubiquitous” – кенг қамровлилик имкониятларини яратиб беради.

5. Gaming. Ўқитиш жараёнида интерфаол усуллар, жумладан мақсадга йўналтирилган дастур ва ўйинларни киритилиши тингловчиларга нафақат таълим методикаларни бойитилишига, балки уларнинг ижимоий фаолликка чорловчи воситалар сифатида хизмат қилади.

6. Personalized learning. Шахсга йўналтирилган ўқитиш тингловчига керакли хажм ва мазмундаги билим олиш ва турли ўқитиш усулларини керакли йўсинда қўлланилишига имкон беради.

7. Redefinition of learning spaces. Ўқитиш маконини қайта кашф этиш тамойили тингловчиларга хамкорликда ишлаш, фанлараро мутаносибликни топиш, тингловчига йўналтирилган ва унинг талабларига мослаша оладиган мухит яратилишини назарда тутади.

8. Teacher-generated open content. Ўқитувчи яратган очиқ контент таълим тизимида ўқитувчи томонидан шакллантирилган ўқитиш ресурсларини ва мослашган материалларни яратишни ва улардан кенг микёсда фойдаланишни назарда тутган холда, тингловчига бирор бир курснинг маълум қисмини ёхуд манбани олишга имкон беради.

9. Smart portfolio assessment. Бахолашнинг ақлли портфолиоси тамойили педагог учун “форматланган” бахолаш тизимини тақдим этади, қайсики реал вақт маълумотларни олган холда, тингловчининг билим ва кўникмаларини керакли вақт оралиги ва билимлар кесимида таҳлил қилишни асослаб беради.

10. Teacher managers/mentors. Аудиториядаги ўқитувчининг роли “марказий” шахсдан “хамкор” шахсга ўтиши: бунда ўқитувчи томонидан берилаётган йўриқномалар дарс мобайнида йўл бошловчи ролида бўлишини ахамиятли омил сифатида таъкидлаб беради. Дарсни ва ресурсларни тўғри тақсимланиши, хамда шерикчилик мухитини кучайтиришга имкон беради.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган маълумотларда бевосита ёки билвосита тариқада АҚТлар, Интернет ва унинг имкониятлари қўлланилиши назарда тутилган; уларни билиш ва муқобил фойдаланиш эса, ўз навбатда, педагогда АҚТ компетентлигини шакллантирилиши асоси хисобланади.

2.3. 3D Internet технологияси

Охирги йилларда таълим тизимида замонавий интернет технологияларидан фойдаланишга, хусусан мультимедиага асосланган технологияларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши таълим тизимига ҳам ўз таъсири кўрсатибгина қолмасдан, уни ташкиллаштиришнинг асосий инструментига айланиб қолмоқда. Мисол қилиб оладиган бўлсак, энг тез ривожланган ва юқори самара кўрсатган таълим технологиялари ахборот коммуникациялар асосида ташкиллаштирилгандир. Масалан, Cloud Computing, Mobile Learning, Tablet Computing, Open ContentLearning, Analytic Learning, Virtual and Remote Laboratories.

XXI аср таълим тизими бевосита интернет ва мультимедиа технологиялари билан боғланган. Охирги ўн йилликда интернет тармоғида жуда юқори

самарадорликка эришилган бўлса, мултимедиа технологияларининг ҳам кескин ривожланиши ва интернет билан интеграллашуви унинг имкониятини янада бойитмоқда.

Келажак тармоқларини қуриш концепциясининг бугунги долзарб масалалари ичida 3D Internet тармоғини қуриш ва уни халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш муҳим ўрин тутади (4-расм). 3D Internet технологияси саноат, ишлаб чиқариш, фан-техникалар учун, уларнинг янада тараққий топиши учун янги бир даврни очиб беради. Улкан имкониятлар яратади. Дунёning турли четларидаги ривожланишларнинг бошқа четларига тадбиқини ва самарадорлигини виртуал бошқариш имконини беради.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, 3D Internet технологиясининг таълим тизимида қўллаш ва ундан кутилган натижалар тўғрисида ёритамиз.



2.5-расм. 3D Internet концепцияси.

3D Internet технологияси интернет ва 3D графика технологияларининг интеграциялашуви бўлиб, унинг натижасида интернет орқали интерактив 3D контент реал вақт режимида веб хизмат кўринишида юборилади. Web 3.0 концепцияси асосида ривожлантирилаётган ушбу технология интернет ёрдамида виртуал олам яратиш имконини беради. 3D Internet бир қатор афзалликларга эга: Тармоқ фойдаланувчилари виртуал бирлаштирилади ва бошқарилади;

- Масофа аҳамият касб этмайди, ҳамма бир-бири билан виртуал ягона жойда, фазода жойлашади;
- Контент ҳар бир фойдаланувчи ўзи бошқариши мумкин;
- Исталган тармоқ фойдаланувчи бошқа тармоқ фойдаланувчисига бевосита интерактив таъсир ўтказиши мумкин.

Ушбу технологияни ташкиллаштириш учун 3D камера ва юқори тезликли интернет талаб қилинади.

Ушбу технологияни таълимда қўллаш масофавий таълимдаги талаба ва университет ўртасидаги тўсиқни йўқотиш ва дарс жараёнини виртуаллаштириш имконини беради. Дунёning исталган нуқтасида жойлашган талабаларни ягона

таълим олиш муҳитига бирлаштириш ва ўқитувчининг ишлаш самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайди.

Ушбу технология асосида виртуал мультимедиа таълим муҳити яратилади.

3D Internet технологияси асосида виртуал таълим тизимини ташкиллаштириш қуидаги таълим ва тадқиқот турларини ташкиллаштириш имконини беради:

- Дунёнинг исталган виртуал университетларига аъзо бўлиш ва дасрларида катнашиш;

- Виртуал масофавий таълим;

- Виртуал экскурсиялар ташкиллаштириш;

- Виртуал тадқиқотлар олиб бориш;

- Виртуал китоб ва қўлланмалар ҳарид қилиш;

- Виртуал семинарлар ва конференциялар ташкиллаштириш;

- Виртуал ишчи гурухлар ташкиллаштириш ва лойиҳаларни бажариш ва бошқалар.



2.6-расм. 3D Internet виртуал таълим тизими.

Санаб ўтилганни ташкиллаштиришнинг ягона воситаси сифатида 3D Internet технологияси ҳизмат қиласи. Таъкидлаш жоизки, ушбу хизматларни таъминловчи ягона интерактив, реал вақтли 3D мультимедиа тармоқ платформаси ташкиллаштириш талаб этилади. Фойдаланувчи томонида ҳам 3D камерани ўз ичига олган маълум қурилмалар тўплами бўлиши зарур.



2.7-расм. 3D Internet орқали виртуал тадқиқотлар олиб борииш.

3D Internet технологиясини таълим тизимида қўллаш қўйидаги ютуқларни беради:

- виртуал масофавий таълимни ташкиллаштириш;
- таълим олиш учун кетадиган ҳаражатларни камайтириш, йўл ҳаражатларини қисқартириш;
- чексиз талабалар аудиториясини шакллантириш ва бутун дунё бўйлаб онлайн дарслар олиб бориш;
- виртуал илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва уларга бутун дунё бўйлаб етакчи олим ва мутаҳассисларни жалб қилиш;
- янги илмий янгиликларни интерактив виртуал кузатиш ва таклифлар билдириш;
- ва албатта конференция ва семенарларда виртуал иштирок этиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълимда 3D Internet технологиясини қўллаш таълим сифатининг янада ўсишига, замонавий таълим турларининг кескин ривожланишига, халқнинг саводхонлик даражасининг ортишига ва асосийси давлатнинг янада тараққий топишига катта ҳисса қўшади.

Назорат саволлар:

1. Электрон таълим хусусиятларини санаб беринг.
2. Электрон таълим технологияларини тушунтириб беринг.
3. Мультимедиали таълим тизими деганда нимани тушунасиз?
4. 3D Internet технологияси деганда нимани тушунасиз?
5. 3D Internet технологиясининг таълимда қўлланилиши ва истиқболлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
6. Виртуал таълим тизими деганда нимани тушунасиз?
7. 3D Internet технологиясини қўллаш ютуқлари сифатида яна нималарни келтириш мумкин?
8. Бошқа интернет таълим технологиялари ва уларнинг 3D Internet технологияси билан қиёсий таҳлилини келтиринг?

Адабиётлар ва интернет ресурслар:

1. THE RISE OF THE 3D INTERNET. Immersive Connected Experiences (ICE), 2013.
2. www.Web3d.org.
3. www.Web3event.com.
4. www.Intel.com.

IV БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий иш.

Мавзу: Оммавий очиқ онлайн курслар билан ишлешүү (2 соат)

Маңсад: Оммавий очиқ онлайн курслар регистратсиясидан ўтиб, фан бўйича видеомаърузаларни топиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш усулларига ўрганиш.

Назарий материал.

Дунёнинг замонавий таълим парадигмидаги этакчи тенденциялардан бири таълим учун энг қулай шароитларни яратишидир. Айни пайтда Оммавий очиқ онлайн курслар мавзуси - ушбу соҳада тадқиқот ва амалиётни ривожлантиришига ҳисса қўшган дунёнинг этакчи таълим муассасалари ривожланишида Интернетнинг таълим сегментида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан биридир.

Оммавий очиқ онлайн курслар (МООС) 2000-йилларнинг бошидан этакчи университетлар ва бизнес-мактаблар томонидан Интернетда яратилган алоҳида очиқ таълим ресурсларининг давоми сифатида пайдо бўлди. 2002 йилда Массачусетс Технология Институти MIT OpenCourseware лойиҳаси доирасида дунёнинг барча мамлакатларидан келган миллионлаб талабалар обуна бўлган барча университетлардаги курсларга бепул киришни эълон қилди.

2008-йилда Канада шаҳзодаси Эдвард Эдуард университети ва Либерал таълим миллий институти Технологиялар Миллий институтидан Бриан Александрдан веб-коммуникация ва инновацион технологиялар бўйича мутахассис Давид Кормиер Либерал таълими, ОООК (МООС) атамасини - "очиқ, жамоавий, тақсимланган, узлуксиз тармоқ таълими" деб номланган очиқ онлайн курсларни яратди. ОООК термини Жорж Сиеменс ва Стивен Довнс томонидан 2008 йилда ўтказилган "Connectivism and Connective Knowledge" курси натижасида амалга оширилди. Ушбу таълим онлайн курси ўрганиш - уланишнинг янги назариясига (концептсиясига) бағишиланди. Ушбу назарияда машғулотлар одамларни, ташкилотларни, кутубхоналарни, веб-сайтларни, китобларни, маълумотлар базаларини ёки бошқа ҳар қандай маълумот манбаи бўлган тармоқни яратиш жараёни сифатида кўриб чиқилади.

ОООК(МООС)нинг умумий номи тўртта алоҳида атамадан иборат:

- **Massive** (оммавий) - бу турдаги курсни ўтказиш учун кўплаб иштирокчилар талаб қилинади;
- **Open** (очиқ) - курс бепул, ҳар ким унга қўшилишлари мумкин; одатда, ушбу курслар очиқ кодли дастурий таъминот ва Веб-2.0 бепул ижтимоий хизматлардан фойдаланади;
- **Online** (онлайн-электрон/масофавий) - машғулот материаллари ва биргаликдаги иш натижалари интернетда барча иштирокчилар учун мавжуд бўлганлигини англалади;
- **Course** (курс) - у тегишли тузилишга эга, иш тартиби ва умумий мақсадларга эга деб таҳмин қилинади, кейинчалик ҳар бир иштирокчи учун ўзгартирилиши мумкин.



1-расм.

Масофавий ўқитишин яратишга биринчи марта уринишлар 70-йилларда, масалан, Буюк Британияда Очиқ Университет ташкил этилган пайтга тўғри келди. Интернетнинг 1990 йиллар бошида тарқалиши бу жараённи янада муваффакиятли қилди.


Пенсильвания университети Жеймс Ўдоннелл 1994 йилда Gopher протоколи ёрдамида электрон ҳужжат алмашиш ва электрон почта манзилини тарқатиш учун интернет-семинарлар ўтказди. Ўдоннеллинг семинари бутун дунёдан 500 дан ортиқ иштирокчиларни жалб этган "Блессед" авлиё Августиннинг ҳаёти ва ишига бағишиланган эди. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиши, Интернет-технологияларнинг тарқалиши даврида МООК масофавий таълим шакли сифатида пайдо бўлди. Масофавий интерфаол ва масофавий таълим шаклларидан бири очик курслардир. Ўқув курсининг анъанавий материаллари, масалан, видеолар, маъруза матнлари ва уй вазифалари каби матнларга қўшимча равишда, ОООК фойдаланувчиларга, ўқитувчилар ва ассистентлар ўртасида жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган интерактив форумлардан фойдаланишга имкон беради.

Оммавий очик онлайн курсларини ташкил этиш моделларини таҳлил қилиб, уларни анъанавий таълимдан, шунингдек, масофадан ўқитишининг бошқа шаклларидан ажратиб турадиган ОООКнинг асосий хусусиятларини аниқлаш мумкин:

- мавзууни лаконик тақдим этиш - бир мавзуу ёки алоҳида мавзууни ёритувчи қисқа видеолар;
- маълумотни синаш - қандай қилиб тўғри тарзда текшириш керак, лекин топширикларни бажариш тажрибаси ҳам бор, уларнинг бажарилиши ўқувчилар ўртасида ўзаро текширув технологияси ёрдамида баҳоланади, ҳар бир талаба текшируви бошқа З киши ишлайди, бунинг ўрнига З нафар бошқа талаба ўз ишларини текширади;
- енг яхши (АҚШ, Европа, Россия) университетлардан ўқитувчиларни жалб қилиш;
- МООС автоматлаштирилган тизим платформасидан келиб чиқадиган қатъий жадваллар, муддатлар мавжудлиги;
- кўп фикрли каналларни тингловчи-ўқитувчи, тингловчи-tinglovchi бўлиши;
- бепул ёки шартли бепул - курс якунланганлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома олиш учун тўлов;
- оммавий ва глобаллашиш - дунёдаги ўн минглаб тингловчилар;

➤ курсни муваффақиятли тугатганидан сўнг, фойдаланувчи ушбу курсни битирганлик ҳақидаги шахсий гувоҳномани юклаб олиш имкониятини қўлга киритади, у ўқитувчи ва у ишлаётган университет номини кўрсатиб беради.

Тарихга назар солсак, ОООК атамаси 2008-йилда АҚШда пайдо бўлиб, аммо ҳозирги таълим ОООК йўналишига 2011-йилда Стенфорд шахрида яратилган Courseraga асос солган ва у дастлаб АҚШнинг учта йирик университетларнинг очик ресурсларини бирлаштириди, 2012-йилда Тіме журнали фикрига кўра, энг яхши таълим сайти бўлган. Coursera асосчилари Эндрю ва Дафна Коллер ўз лойиҳасини оммавий онлайн ўқитиш ғоясида («бир дунёдан бир курс») шакллантириб, барча хоҳловчиларга жаҳоннинг етакчи университетлари маърузаларини тинглаш имкониятини берди.



2-расм.

ОООКнинг асосий хусусиятлари таълимнинг узлуксизлик ва шахсга йўналтирилган тамойилларини амалга ошириш, тушуниш учун қулай бўлган шаклга келтириб, замонавий илмий ғояларни кенг тарғиб этиш каби вазифалар билан боғлиқ:

- 1) оммавийлик, яъни курс тингловчилари сони чексизлиги;
- 2) очиқлик, яъни истаган кишига, унга қулай жойда ва вактда билимларни бепул бериши;
- 3) курсларнинг яхлитлиги, яъни курслар нафақат ўқув материал парчалари, балки амалий машғулотлар, коммуникация, олинган билимларни назорат қилувчи материалларни ўз ичига олади;
- 4) курс муваффақиятли ўзлаштирилганда сертификат олиш имконияти.

Онлайн курсларда ўқиш натижаларини ҳисобга олиш бўйича ҳаракатлар АҚШда кузатилмоқда. У ерда 2013-йилда Америка таълим кенгаши университетлар мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва АҚШ коллежларида

хисобга олиш учун тавсия қилинган 5 та курсни маъқуллади. Курслар якунида реал вақтда видеоконференция режимида аккредитатсиядан ўтган имтиҳон хизмати ёрдамида онлайн-имтиҳон ўтказилади. Еврокомиссия ҳам VMPass лойиҳани виртуал мобиллик ва очик таълим ресурлар бўйича ўқиши, онлайн-машғулотларни реал машғулотларга тенглаштириш, ОООК бўйича аттестация натижаларини расмий ўқиш дастурларига, шу билан бир қаторда, университет дастурларига киритишни қайта хисоблаш имкониятини берувчи ўқиш паспорти ёрдамида тан олинишини маъқуллади. Лойиҳа онлайн-таълимни анъанавий таълимга тенглаштириш ва уларнинг дипломларини тенг аҳамиятли қилишни таклиф этади. Массачусетс технологик институти ва Гарвард университетлари томонидан яратилган edX платформасида билимнинг турли соҳалари бўйича 300 дан ортиқ курслар жойлаштирилган. 2011–2012 йилларда АҚШда старт олган, юкорида қайд этилган учта платформа (Coursera, EdX, Udacity)лар аудиторияси миллионлаб инсонларни ўз ичига қамраб олади, аммо бошқа давлатларда ОООК воситасида таълимни амалга оширувчи ўхшаш лойиҳалар пайдо бўлмоқда. Буюк Британияда Очик университет етакчи олий таълим муассасалари билан биргаликда Future learn платформасини яратди, Россияда Лекториум лойиҳаси ишга туширилди, унинг доираси иккита: медиатека (очик видеомаърузалар) ва ОООК йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Австралиянинг очик университетлари Open 2 Study лойиҳасини йўлга қўйди, уларнинг платформасига саккизта категория бўйича тақсимланган 50 та курслар жойлаштирилган. Канада, Европа Иттифоқи, Лотин Америкада интернет-майдонлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, бу мамлакатларнинг университетлар ва ташкилотлар томонидан ўз сайтлари ёки мустақил сайтларда таклиф қилинувчи кўпчилик ОООКлар мавжуд. Д.Сименс 2012-йилдаги интернет нашридан бирида ОООКни яратиша кўлланувчи педагогик моделларнинг фарқларини таҳлил қилди. Coursera ва edX лойиҳаларининг шиддатли ривожланишига тўхталиб, биринчи навбатда, дикқатини ОООКнинг олий таълим тизимидағи ўрни, курсларнинг шакллари каби масалаларга эмас, бутун дунёда миллионлаб талабаларнинг хаётини ўзгартирувчи ОООКнинг таълим потенциалига қаратди, бу ОООК яратувчиларнинг биринчи навбатдаги мақсади бўлиши керак, деб таъкидлади.



3-расм.

ОООК форматидаги курслар узвий боғланган маърузалар, олинган билимларни назорат қилувчи тест ва топшириқлар, ўқитувчи ва талабалар ўртасида махсус интернет-майдончада доимий мулоқотни ҳамда энг яхши талабаларни аниқлаш учун яқуний имтиҳон ўтказишни ўз ичига олган ва интерактив масофавий ўқув жараён ўтказиш учун мўлжалланган. ОООКда тингловчилар ўзаро мулоқотига кўп эътибор берилади, масалан, форумлар орқали, онлайн ва шахсан мулоқот қилиш, маърузаларни биргаликда кўриш ва бошқалар. Оммавий очик онлайн курсларда ўқиши жараёнида ўқув курсининг жадвали бўйича топшириқларни ўз вақтида бажариш мажбурий ҳисобланади. Оммавий онлайн таълимнинг ривожланишига бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда:

- буни масалан, улар орасида тингловчиларнинг ўқишига бўлган паст мотивацияси;
- турли мамлакатлар таълим тизимларида фарқларнинг мавжудлиги;
- кўпгина ОООКлар инглиз тилида ишлаб чиқилганлиги;
- ОООКни олий таълим дастурларига киритиб қўйиш механизмларининг йўқлиги;
- иш берувчилар ва бошқа ўқув муассасалари учун аҳамиятга эга таълим олганникни тасдиқловчи хужжатнинг йўқлигига, деб тушунтириш мумкин.

Хозирги кунда таълимни модернизацияси ва ислоҳ қилиш жараёnlари олий таълим тизимида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этиб борилиши зарур. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг зарурий омили ҳисобланади ва доимий характерга эга. Бу жараёнда олий таълим сифатини таъминлашда илгор хорижий тажрибалар ва модулларни татбиқ этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши жуда муҳимдир.

1-вазифа:


1. ОООКда регистрациядан ўтинг.
2. Фанингиз бўйича қайси мавзулардан видеомаърузалар бор?
3. Ҳар бир видеомаъруза бўйича қўйидаги жадвални тўлдиринг:

№	Фан мавзуси	МООК номи ва адреси	Видеомаъруза номи	Видеомаърузани муаллифи, аннотацияси

4. Видеомаързаларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқланг.
5. Видеомаързадан ўкув жараёнида фойфаланиш бўйича услугубий кўрсатма беринг.


ОООК рўйихати:

1) Udemy



4-расм.

2) Coursera



5-расм.

3) Khan Academy

Khan Academy русский
Khan Academy (Академия Хана) выполняет важную миссию. Мы являемся некоммерческой организацией, которая стремится изменить образование к лучшему, обеспечивая через Интернет бесплатное и качественное обучение повсюду и для каждого.

View all English videos

Если вы хотите принять участие в популяризации материалов и оказать помощь Khan Academy, пожалуйста, посетите страницу www.khanacademy.org/contribute.

Газы.Молекулярно-кинетическая теория | Химия

Уравнение идеального газа: PV = nRT Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 1)	Уравнение идеального газа. Пример 3 Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 4)	Уравнение Ван-дер-Ваальса Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 8)
Уравнение идеального газа. Пример 1 Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 2)	Уравнение идеального газа. Пример 4 Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 5)	Идеальный и реальный газ Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 7)
Уравнение идеального газа. Пример 2 Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 3)	Задача на давление пара Газы.Молекулярно-кинетическая теория Химия (видео 6)	

Силы межмолекулярного взаимодействия. Химия

Силы Ван-дер-Ваальса Силы межмолекулярного взаимодействия Химия (видео 1)	Температура кипения органических соединений Силы межмолекулярного взаимодействия Химия (видео 2)	Расторимости органических соединений Силы межмолекулярного взаимодействия Химия (видео 3)
---	--	---

История религий. Мировая История

Ислам История религий Мировая История (1 видео)	Пророк Мухаммед История религий Мировая История (2 видео)
---	---

Образовательные лекции | Partner Content

Что такое демократия? Лекция	
--------------------------------	--

Алгебра I. Квадратичная функция

Парабола Квадратичная функция Алгебра I (1 видео)	Вершина параболы Квадратичная функция Алгебра I (3 видео)	Задача Квадратичная функция Алгебра I (5 видео)
Построение графика квадратичной функции Квадратичная функция Алгебра I (2 видео)	Построение графика квадратичной функции. Вершина Квадратичная функция Алгебра I (4 видео)	

Медицина. Вакцинация

6-расм.

4) 4braun.ru

4BRAIN

ПРОГРАММЫ КУРСЫ БЛОГ КНИГИ PRO Войти

Обучайтесь онлайн полезным и эффективным навыкам

Подобрать материалы

7-расм.

2-вазифа:

- Блог, wiki, PhotoSnack, H5P, HotPotatoes, подкаст, вебинар каби электрон таълим технологияларига таъриф беринг.

2. Күйидаги жадвални түлдириңг:


Түшунча	Имкониятлари	Интернет адреси	Үкүв жараёнида қўллаш усули
Блог			
Wiki			
PhotoSnack			
H5P			
HotPotatoes			
Подкаст			
Вебинар			

3. Хар битта кўрсатилган электрон таълим технологиянинг ижобий ва салбий томонларини аниqlанг.

4. Яна 5 та электрон таълим технологияларига мисоллар топинг ва уларни изоҳланг.

Интернет ресурслар:

1)Bubbl.us



2) Forum2x2.ru

A screenshot of the Forum2x2.ru homepage. The page features a large blue header with the "FORUM2X2.RU" logo. To the right of the logo are social media sharing buttons for VK, Facebook, Twitter, Google+, and Digg. Below the header is a large white section with the heading "СОЗДАТЬ БЕСПЛАТНЫЙ ФОРУМ". A text block explains that Forum2x2 is a service for creating forums and offers a step-by-step guide for creating a forum. It mentions supported software: MogenBB, phpBB2, phpBB3, punBB, and Invision. Below this text is an image showing a laptop, a tablet, and a smartphone displaying the Forum2x2 website. At the bottom of this section are three buttons: a black one with white text for "минимум 4 символа (латинские буквы A-Z, цифры и тире)" (minimum 4 symbols (Latin letters A-Z, digits and hyphen)), a white one with a small icon and the text ".tatu", and a red one with white text for ".forumotion.me". To the right of these is a large blue "Создать форум" (Create forum) button. The bottom of the page shows a dark navigation bar with various icons and a status bar at the very bottom indicating the date (22.05.18), time (11:16), and language (ENG).

2-амалий иш.

Мавзу: Видеомаързулар ва уларни яратиш дастурий воситалари (4 соат)

Ишдан мақсад: Видеомаързуларни яратишга ўргатиши.

Назарий маълумот.

Хозирда мультимедиа технологиялари телевидения ва киностудияларда фильмларни яратиш жараёнида кенг кўламда қўлланилмоқда. Кино индустриясида ва видео санъатда мультимедиа тизими муаллифнинг зарурий иш дастгохига айланмоқда. Фильм муаллифи бундай компьютер тизимида олдиндан тайёрланган, чизилган, суратга олинган, видео камерада олинган табиат манзарапарини жамлаб, керакли кўринишдаги асарни яратади. Компьютер ёрдамида ишлов берилиган ёки ҳосил қилинган тасвиirlарни тадбиқ этиши янги тасвирий техникани ҳосил бўлишига олиб келади.

Видео (лот. *video* — кўраман) —телевидения тамойилига асосланган тасвирили сигналларни шакллантириш, ёзиш, ишлов бериш, узатиш, сақлашнинг электрон технологияси.

Видеоёзув — видеосигнал ёки видео маълумотларнинг рақамли оқими шаклидаги визуал ахборотни физик ахборот ташувчига сақлаш мақсадида ёзишнинг электрон технологияси.

Видеомаързуларни (видеофайлни) яратиш қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1 - босқич: видео, фото, мусиқа, эффект каби материалларни тайёрлаш.
- 2 - босқич: юқорида келтирилганларни ягона клипга (фильм) монтаж қилиш.
- 3 - босқич: олинган видеони талаб қилинган форматга ўзгартириш.
- 4 - босқич: CD ёки DVD-дискни яратиш.

Олинган материални видеомонтаж қилиш учун Windows Movie Maker, Adobe Premiere, Sony Vegas, Pinnacle Studio, Ulead Videostudio, Camtasia studio каби бир катор дастурлар мавжуддир.

Видеони бир форматдан бошқа форматга ўтказиш учун конвертер-дастурлар, ҳамда кодеклар керак бўлади.

Мултимедиа технологияларида ахборотни сиқиши алгоритми мухим ўрин тутади, чунки мультимедиали объектлар катта хажмга эгадир. Видеосигналлар хар доим жуда кўп ортиқча ахборотга эга, шунинг учун сиқиши ўтказиш йўлаги кенглигини 200, 100 ёки хеч бўлмагандан 10 баробар қисқартириш имконини беради.

Сиқиши воситаларини комбинациялаш ва интеграллаш мумкин бўлиши учун стандартлар керак. Охирги вақтда бундай стандартлар пайдо бўла бошлади ва бозор бу стандартлар талабига жавоб берадиган даражадаги аппарат ва дастурий таъминотлар билан тўлиб боряпти.

Визуал кўринишдаги ахборот инсон 95% қабул қилишини таъминлайди.

Видео (лот. *video* — кўраман) — экранда тасвиirlар кетма-кетлигидан ҳосил бўлади.

Видеокаторлар икки хил кўринишда бўлади:

1. Статик — графика (график режимидаги расмлар, интеръер, фон, символлар) ва фототасвиirlардан (фототасвиirlар ва сканерланган тасвиirlар) иборат;

2. Динамик—кадрлар кетма кетлигидан иборат. Динамик видеоқаторларни уч турға бўлиш мумкин:

- анимация — сунъий ҳосил қилинган тасвиirlар кетма-кетлигидан ҳосил қилинади;
- видео (life video) — фототасвиirlар кетма-кетлигидан ҳосил қилинади (секундига 24 кадр);
- квазивидео — фототасвиirlар кетма-кетлиги (секундига 6—12 кадр);

Анимация (animation) - лотинча "anima" сўзидан олинган бўлиб - рух, жон маъносини билдиради (рухлантириш, жонлатириш).

Инсон тасавурида тимсолларни ҳосил қилиш учун сунъий яратилган тасвиirlарнинг мантиқий кетма-кетлиги анимацияни ифодалайди. Видео анимациядан фарқли равишда видео камера орқали олинган тасвиirlар кетма-кетлигидан ҳосил қилинади. Анимация учун эса ҳар бир кадр алоҳида яратилади ва харакат имитация қилинади.


Анимация ҳосил қилиш технологияларига фотонусхалашни мисол қилишимиз мумкин. Бунда ҳар бир кадр алоҳида чизиб олинади ва тасвирга олинади. Бу технология "харакатни ёзиб олиш" деб хам аталади.

Анимация турлари:


- **Чизилган анимация** - анимациянинг бир кўриниши бўлиб, ҳар бир кадр алоҳида чизилади.
 - **Қумли анимация** ёки куқун техникаси (ингл. Sand animation, Powder animation) — тасвирий санъатнинг бир йуналиши хисобланиб, мультипликация яратишда хам қўлланилади.
 - **Пластилинли анимация** (ингл. clay animation) Анимация ҳар бир кадрни алоҳида яратиш орқали ҳосил қилинади.
 - **Силуэтли анимация** - ясси фигуralар кирқмалари қўлланилади (фигуralар кофоз, мато, ва бошқа материаллардан қирқиб олиш натижасида ҳосил қилинади)
 - **Компьютерли анимация** - ҳозирги кунда компьютерли анимация анимация яратишда энг қулай ва замонавий технология хисобланади.



1-расм.




Компьютерная анимация



2D



3D



2-расм.

Аудиотизим – бу аналоги ёки рақамли аудиосигналларни ёзиш, қайта ишлаш учун қўлланиладиган аппарат воситалар йиғиндиси хисобланади.

Аудиотизимнинг ташкил этувчилари қуйидагилардан иборат:

- аудиоадаптер (товуш картаси);
- акустик тизим (кучайтиргичлар, динамиклар, наушниклар);
- микрофон.



3-расм.

Товуш тизимлари қуйидаги масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган дастурий ва аппарат воситалардир:

1. Ташқи қурилмалардан олинган товуш сигналларини ёзиш.
2. Ташқи акустик системалар ва наушниклар ёрдамида олдиндан киритилган товуш сигналларини эшиттиради.
3. Ёзиш ёки эшиттириш жараёнида бир неча манбадан олинган сигналларни микшерлайди, яъни аралаштиради.
4. Бир вақтнинг ўзида товуш сигналларини ҳам ёзади, ҳам эшиттиради.
5. Товуш сигналларини қайта ишлайди, яъни тахрирлайди сигнал фрагментларини қўшади ёки бўлади, фильтрлайди, унинг сатҳини ўзгартиради
6. Эшиттириш синтезатори ёрдамида ҳар хил мусиқа асбобларини овозини, ҳамда инсон нутқини ва бошқа товушларни ўхшатишни бошқаради.
7. Ташқи мусиқа асбобларини ишини бошқаради.
8. Микрофон ёрдамида матнларни киритиш операцияларини бошқариш.

Компьютер видеотизими қуйидаги компоненталардан ташкил топади:

- монитор (дисплей) (Фойдаланувчи билан компьютер орасидаги ахборот алмашинувини монитор таъминлаб беради. Мониторлар ахборотни чиқарувчи қурилма ҳисобланади.);
- видеоадаптер (Видеоадаптернинг асосий вазифаси ШКнинг ичida айланиб юрувчи рақамли сигнални аналог сигналга айлантириб, мониторга узатиб беришдир)
- дастурий таъминот (видеотизим драйвер).



4-расм.

Мультимедиали объектлар катта хажмга эга, шунинг учун хам мултимедиа технологияларида ахборотни сиқишиш алгоритми мұхим үрин тутади. Видеосигналлар хар доим жуда күп ортиқча ахборотта эга, шунинг учун сиқишиш жараёни ўтказиш йўлаги кенглигини 200, 100 ёки хеч бўлмагандан 10 баробар қисқартириш имконини беради.

Сиқишиш воситаларини комбинациялаш ва интеграллаш мумкин бўлиши учун стандартлар керак.

Охириги вақтда бундай стандартлар пайдо бўла бошлади ва бозор бу стандартлар талабига жавоб берадиган даражадаги аппарат ва дастурий таъминотлар билан тўлиб боряпти.

Видео формат файлни видео файл структурасини, яъни файл ташувчиларда қандай кўринишда сақланишини аниқлаб беради. Одатда форматлар турли кенгайтмаларда акс этади (*.avi, *.mpg, *.mov ва бошқ.).

Компьютерли рақамли видео рақамли тасвирлар кетма-кетлиги ва товуш билан биргалиқдаги кўринишида бўлади.

Видеосигнални аналогли кўринишдан рақамли кўринишга ўтказиш аудиосигнални аналогли кўринишдан рақамли кўринишга ўтказиш жараёнидагидек уч босқичда амалга оширилади:

1. дискретлаш: аналог кўринишдаги видеокаторни дискретлаш;
2. квантлаш;
3. кодлаш.

Видео формат – бу видеоахборотни рақамли кўринишидаги стандарти ҳисобланади. Видео форматлар бир биридан маълумотни бериш усули ва сиқилиш даражаси билан фарқланади.

Аудио- ва видеоахборотларни компьютерга ёзиш ва ўқиши маҳсус дастурлар - «кодекслар» ёрдамида амалга оширилади.


Рақамли видеони сиқишиш технологиялари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Сифатни йўқотмасдан сиқишиш;
2. Сифатни йўқотиш билан сиқишиш; Бу кўринишдаги сиқишиш ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:
 - а) Қабул қилиш нуқтаи назаридан йўқотишларсиз сиқишиш;
 - б) Табиий йўқотишлар билан сиқишиш;
 - в) Сунъий йўқотишлар билан сиқишиш.

MPEG-1 форматида видеоролик кадрлари уч гурухга бўлинади: I-, P- ва B- кадрлар.

I-кадр, Intra Frames таянч кадрлар киради. Бу кадрлар тўлалигича JPEG форматида сақланади.

P-кадр, Predicted Frames, кадрдаги ўзгаришлар содир бўлган холда сақланади.
 В-кадр (Bi-DirectiOnally Interpolated Frames) бошқа барча кадрлар.



5-расм.

Run Length Encoding

RLE технологияси MPEG-1234, H.261, H.263 ва JPEG ўринли.

RLE тасвир қийматларини кетма-кетлиш кўринишида кодлайди, бунда қайтарилиб келаётган қийматларни қисқартириш хоссасига эга.

Масалан, тасвирда келаётган қийматлар кетма-кетлиги 77 77 77 77 77 77 77 77 кўринишида булса, 7 77 кўринишда кодлайди. (7 марта 77). RLE контур ва қайтарилаётган қийматлар учун яхши сиқувчи алгоритм хисобланади. Рангли тасвирларда қайтарилиш имконияти кам булганлиги сабабли, RLE технологияси яхши самара бермайди.

Фарқли кадрлар

Видеотасвирларда бир кадрдан бошқа кадрга ўтганда деярли фарқланмайдиган холлар кўп учрайди. Бундай холларда тасвир қийматлари орасидаги фарқ жуда кам бўлган кадрлар олдинги кадрлар билан алмаштирилади. Бундай кадрлар калитли (таянч) кадрлар деб айтилади.

Векторли квантизация (Vector Quantization, VQ)

Векторли квантизация тасвирни блокларга бўлади (4x4 пиксел YUV ранг моделида) Ўхшаш блоклар компрессор томонидан аниқланади ва битта умумий блок билан белгиланади.

Сунг VQ-декодер, жадвалдан фойдаланиб, тасвирни йиғиб олади.

(Блок 1)	(Блок 2)	(Блок 3)
128 128 128 128	128 127 128 128	128 127 126 128
128 128 128 128	128 128 128 128	128 128 128 128
128 128 128 128	128 128 127 128	127 128 128 128
128 128 128 128	128 128 128 128	128 128 128 128

$$[1] = 128 \ 128 \ 128 \ 128$$

$$128 \ 128 \ 128 \ 128$$

$$128 \ 128 \ 128 \ 128$$

$$|128 \ 128 \ 128 \ 128$$

6-расм.

Видеони компьютерда қайта ишлеш жараёни бу видео файлларни махсус дастурий воситалар - **видеоредактор** ёрдамида таҳирлаш ҳисобланади.

Бу жараён уч босқичдан иборат:

1. Видеони олиш (захват);
2. Монтаж;
3. Видеомахсулотни сиқиши.

Монтаж-бу (фр. montage) - ижодий жараён бўлиб, видеотехнологиялар ёрдамида видеомахсулотни яратиш тушунилади.

Монтаж **чизиқли** ва **чизиқли бўлмаган** турларга бўлинади.

Чизиқли монтаж ташувчига видеотасвиirlарни ёзишдан олдин кадрлар кетма-кетлиги монтажчи томонидан белгиланади.

Чизиқли бўлмаган монтаж компьютерлар пайдо бўлиши билан пайдо бўлди ва ривожланиб келмоқда. Бу технология кадрлар кетма-кетлигини аниқлашдан ташқари товуш параметрларини ўзгартириш, созлаш, қўшиш каби имкониятларни беради. Компьютер имконияти видеокадрларга қўшимча эфектларни қўшиш олиб ташлаш имкониятини беради.

Чизиқли бўлмаган монтаж махсус компьютер иловалари (videоредактор) ёрдамида амалга оширилади. Қуйидаги видеоредакторлар мавжуд:

1. Avidemux;
2. Cinelerra;
3. DIVA;
4. Ezvid Video Editor;
5. Ffmpeg;
6. Freemake Video Converter;
7. Jahshaka;
8. Kdenlive;
9. Kino;
10. Lightworks;
11. LiVES;
12. MPEG Streamclip;
13. OpenShot Video Editor;
14. OpenVIP;
15. Open Movie Editor;
16. Positron;
17. PiTiVi (англ.);
18. Scilab Aurora;
19. t@b ZS4;
20. VideoLAN Movie Creator;
21. VirtualDub;
22. Vivia;
23. VSDC Free Video Editor;
- 24 WAX;
- 25 Windows Movie Maker.

Видеомаърузаларни яратиш дастурий таъминоти

Camtasia Studio – бу дастур кенг миқёсдаги аудио-визуал қўлланма файллари: намойишлар «Презентация», кўргазмали материаллар, аудио-визуал қўлланма дарслар ҳамда демонстрация слайдларини яратиш учун ҳизмат қиласади.

Асосий функциялари:

- Экрандан аудио ва аудио-визуал қўлланма файлларни ёзиб олиш;
- Тахрирлаш, лойиха яратиш;
- Дискга ёзиш;
- AVI, FLV, PPT файллари форматларини қўллаш;
- Тўғридан-тўғри аудио-визуал қўлланма сайтлардан маълумотларни юклаш/ёзиш каби кўпгина функцияларни ўз ичига мужассам этган.



7-расм.

Camtasia Studio дастури экранда бўлаётган жараёнларни сақлаб қўйиш учун ишлатилади. Дастур тўртта ёрдамчи қисмлардан иборат: Camtasia Menu Maker, Camtasia Player, Camtasia Theater ва Camtasia Recorder. Дастурнинг асосий қисми, шубҳасиз, Camtasia Recorder хисобланади. Барча дарслар айнан шу дастур ёрдамида яратилади.

Camtasia Studio дастур ойнасининг пастки қисмидаги timeline деб аталувчи ишчи столи мавжуд бўлиб, у орқали аудио ва аудио-визуал қўлланма файллар устида турли хил амалларни бажариш мумкин. Булар жумласига файлларни бир-бирига боғлаш, кераксиз қисмларни қирқиб ташлаш кабилар киради. Асосий ойнанинг марказида дастур ишлаши мумкин бўлган файллар рўйхатини кўрсатувчи “Корзина клипов” Clip Bin қисми жойлашган. Шу файлларни ўнг тарафдаги аудио-визуал қўлланма плеерда кўриш мумкин. Бу кичкинагина Camtasia Player дастури факатгина битта вазифани бажаради – avi файлларини намойиш этади.

Таълим тизимида турли дарслар орасидан кераклисини топиш қийинчилик туғдириш мумкин. Бунинг учун фойдаланувчи учун навигация менюсини яратиш керак бўлади. Бундай навигация интерфейсини AutoPlay Media Studio дастури ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Мазкур дастур ёрдамида визуал объектларини қўллаган холда мукаммал навигацияни яратиш мумкин. Интерфейсда ҳосил бўладиган хар бир сахифа худди веб сахифалар каби кўринишга эга бўлиб, сахифалардаги объектларда турли-хил амалларни белгилаш мумкин.

Экрандан видеони (захват) ёзиб олиш

Илгарилари, Интернет бўлмаган даврда, рим файласуфи, шоир ва давлат арбоби Сенека Луцийанней айтган экан: «*Hominem amplius oculis, quam auribus credunt*» - «Инсонлар кўпроқ қўзларига ишонишади, қулоқларига

эмас». Буюк файласуфнинг сўзларини замонавий веб-ишлиб чиқарувчилар қурол қилиб олишган ва сайтларда матнли ёзилмалар ўрнига «скринкастинг» - монитордан суратга олинган роликларни ишлатишмоқда. Бу унча қийин масала эмас, агар албатта экрандан видеони сақлаб қолувчи программалар қулай инструментларга эга бўлса.

Бу утилиталар содда, интуитив тушунарли интерфейс эга ва уларни ўрнатиш кўп вақт талаб этмайди. Улар қулай функционалга эга ва қисман деталларда фарқ қилиш мумкун. Агарда яратиш жараёнини схематик тасаввур қиласак, масалан видео-FAQ, қуидаги этапларни белгилаш мумкун:

- Ёзиш

Дастур ёқилади ва захват (сақлаш) режимига ўтказилади, Рабочий столда бўлаётган барча ходисалар (барча жойдаги ёки алоҳида конкрет ойнадаги иловалар) ёзиб олинади. Параллел тарзда микрофондаги коментарийларни ёки компьютер товуш картасидан аудиони ёзиш имкони мавжуд. Одатда захват (сақлаш) вақтида курсор ҳаракати, сичқончанинг босиш тугмалари «ёнади», клавиатурада клавишини босиш ва бошқа ахборотлар ёзилади.

- Обзор

Экранлаги жараённи ёзиб олиш тугаганда видео-плеерга ёзилган маълумотни кўриш мумкин.

- Тахрирлаш.

Одатда экрандан захват, ёзиб олиш дастурлари ўрнатилган видеоредакторга эга. Видеоредактор инструментлари исталган тасвиirlарни хажмини ўзgartириш, қирқищ, айлантириш имкониятини беради. Унга матнли коментарийларни, выноскаларни, рамкаларни, стрелкаларни, интерактив тугмаларни ва бошқа элементларни кўшиш мумкун. Видеоредакторда эффектларни кўшиш, кераксиз фрагментларни қирқиши, бошқа источниклардан расм ва видеоларни қўйиш имконияти мавжуд.

- Нашр қилиш.

Охирида видеролик ҳосил бўлади, уни керакли форматда сақлаш мумкун (ташқи ёхуд дастурнинг ўрнатилган кодекларидан фойдаланиб), ёки бирданига веб-ресурсга жойлаштириш мумкун. Бу этапда чиқиш файли кичик хажмида тасвиirlинг юқори сифатини сақлаб қолиш муҳимдир.

Бу функциялар одатда барча видеозахват дастурда мавжуд, шунчаки айрим иловаларда уларни бажариш қулайроқ. Ўргатувчи курсни яратишида, ролик ёки видеопрезентацияни ёзишда CamtasiaStudio ва бошқа мавжуд утилиталарни ишлатиш мумкун.

UVScreenCamera



UVScreenCamera фойдаланувчига экраннинг айрим ёки бутун қисмидан захват (сақлаб олиш) қилувчи фойдали инструментга эга. Бу илова экранда бўлаётган барча ҳаракат ва ходисаларни ёзиб олади ва фильм кўринишида сақлайди. У қизиқтирадиган машғулот каби фильмни яратиш осон, қизиқарли қиласди.

Сичқонча курсорини қимирлатиш, жойини ўзгартириш, тұгмасини босиши (шу жумладан иккі маротаба, уч маротаба босиши) – буларнинг хаммаси яхши сифатда, энг асосийси – компакт размерда ёзилади. UVScreenCamera фойдаланиб ярим соатлик фильмни оддий флешкага ёзиш мүмкун. Юқори даражада информатив бўлиш учун муҳимроқ моментга томошабинни қизиқтиришда керакли вақтда ва керакли жойда пайдо бўладиган матнли выноскаларни яратиш мүмкун. Стрелка, рамка, расмлар бўлаётган ҳаракатларни янада кўринимлилигини оширади, параллел равиша товушни бериш материални қабул қилиш, тушуниш эффектини оширади.

Олинган файлни видеоформатлардан бирида ёзиш ва веб-ресурсга жойлаштириш мүмкун. Фойдаланувчига ўргатиш ёки ёрдам бериш, мисол учун, янги программага ўргатишда фойдаланадиган, Chm сўров файлларини яратиш имкони бор.

Муҳими, дастур интерфейси шунчалик соддаки, UVScreenCamera билан танишиб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг фильм презентациясини яратиш мүмкун.

BytescoutScreenCapturing

BytescoutScreenCapturing дастури Рабочий столдаги товушли видеони захват (сақлаб қолиш) қилишга мўлжалланган ва бу ёзувни avi ёки wmv формат файлларига ёзади. Дастур интерфейси беш йирик пиктограмма билан келтирилган. Биринчиси жорий ўрнатмадан фойдаланиб ёзиш учун мўлжалланган. Ёзувга бутун экран, танланган регион ёки курсор атрофидаги соҳа асос бўлиши мүмкун. Иккинчи тугма ўрнатилган веб-камерадаги видеопотокни сақлашни ўз ичига олган. Ўртанча яшил стрелка кўринишидаги пиктограмма ёзувни ишга туширади, кейингиси эса унинг ортидан–дастур параметрларини ўрнатади. Опцияни танлашда аудиосигнал источник яъни сигнал келаётган жойи, веб-камера, видео файлнинг детал характеристикалари кўрсатилиб ўтилади (аудио, видео кодек, кадр размери). Сўнги логотип эса youtube профили билан улаш, ушбу веб-сервисга олинган видеони юклаш учун хизмат қиласди.

BytescoutScreenCapturing дастури билан ишлаш хам қийинчилик келтирмайди. Ёзувни ишга тушириш тұгмасини босгандан кейин, барча сичқончанинг ҳаракатлари ёки экрандаги ахборот (товуш билан бирга) файлга ёзилади, номланишини эса Ctrl+Shift+F12 босилганда киритиш зарур (ёзувни тугатиш). Аъло даражадаги ёзув сифати, товушли фон, курсор ҳаракати ёниши эсда қоларли видеоклипларни яратиш имконини беради.



HyperCam 2 дастури асосий хусусияти – презентациялар, ўқитиш видеоси ва турли демонстрация яъни намойишларни яратишдири. У экран, микрофондан барча информацияни ёзиб олади ва таниқли бўлган avi форматида сақлайди.

HyperCam 2 интерфейси – бир оз турли хил ўрнатмалар билан тўлдирилган, лекин усталик билан фойдаланса тиниқ видео ва сифатли товушга эришиш мүмкун. Дастур ишчи ойнасида беш муҳим закладкалар бор. «ScreenArea» закладкасида захват (сақлаб олиш) белгилаш соҳаси ўрнатиши жойлашган. «Горячие клавиши» яъни ишлатиладиган клавишларни ишлатиш учун «HotKeys» менюсини очиш керак. Ёзув форматининг муҳим ўрнатишлари «AVIFile» закладкасида жойлашган,

кадрни сжатие яъни хажмини сиқиши башқаруви ёрдамида керакли сифат ва фильмнинг оптимал размерини олиш мумкун. Ёзувнинг овозини ёкиш учун ва унинг характеристикасини танлаш учун «Sound» менюси мавжуд. Охирги закладкада сичқончанинг босилишини белгилаш параметрлари ўрнатиш қилинади. Шу ернинг ўзида матн ёзувларини видеога қўшиш ёки олиб ташлаш тугмаси «ScreenNotes» мавжуд.

Захват, яъни ёзувни бошлаш, тўхтатиб туриш ва якунлаш учун, HyperCam 2 дастурининг қуйи қисмида тегишли тугмалар бор, бу эса экрандан видеони захват, яъни ёзиб олиш утилитасини етарлича қулай башқарилишини таъминлайди.



x7 video дастури ўз хажми ва бажариладиган операцияларнинг сифатлилиги билан ўзига хосдир. Унинг вазифасига тўлиқ экрандаги, белгиланган соҳа ва региондаги бўлаётган ҳаракатларни ёзиш киради.

Дастур видеороликни avi форматида сақлайди, кодек тури ва параметрларини «Ўрнатиш видео/аудио» меню закладкасида ўрнатиш мумкун. Шу ерда ёзув товушини қўшиш ва кадр частотасини ўрнатиш мумкун. Муҳим параметрларидан бири бу «Качество записи» яъни ёзув сифати, чунки бунга чиқиши файлни размери боғлик.

x7video асосий инструментлардан бири айтиш керакки бу ёруғлик ўрнатиши ва тасвир контрастлиги, ранглар тиниқлиги, экранни буриш кабилардир. Ёзувни оқ-қора режимида бажариш мумкун. Дастурнинг асосий функцияларидан бири бу ёзиб олиш вақтини ва монитор сонини киритиш.

x7 video дастури ишга туширилганда ишчи ойнада танланган кодек, ёзув вақти ва ёзиб олинган кардрлар хақида маълумот кўриниб туради. Захват, яъни экрандан ҳаракатни ёзиб олиниши башқаруви «горячие клавиши» яъни ишлаётган клавишалар ёрдамида амалга оширилади. Дастур бин неча сонияда ёзилган клипларни аъло сифатда сақлайди.

DesktopActivityRecorder



DesktopActivityRecorder дастури кўриниши видеокамерани эслатади, компьютер экранига йўналтирилиб қўйилади. У ҳам (старт, пауза ва стоп) сода башқарувга эга ва у ҳам экрандаги ҳаракатларни ёзиб олади – ойна, меню, курсор ва башқа обьектларни.

DesktopActivityRecorder иловаси билан ишлаш етарли даражада оддий. «Region» менюсида ёзиб олинадиган соҳа: тўлиқ экран ёки унинг қисми танлаб олинади. Шундан кейин яшил стрелкали пиктограмма босилади. Ёзиб олиш учун аниқ регион танлаб олинган бўлса, экранда размерини ўзгартириш мумкун бўлган тўғри тўртбурчак пайдо бўлади. Бунинг учун кўк рангли тугмадан фойдаланилади (ёзувни тўхтатиб туриш). Яшил стрелка тугмаси босилганда ёзиб олиш давом этилади, то қизил рангли пиктограмма тўхтатилмагунча. Яратилган роликни avi ёки swf форматида сақлаш мумкин. Иш столида агар овозли видео қўйилган бўлса, DesktopActivityRecorder уни ҳам ёзиб олади.

Саволларга жавоб беринг:

1. Мониторда ранг ҳосил қилишда қандай ранглардан фойдаланилади?
2. Рангли тасвирни яратиш учун полиграфия соҳасида рангли схемаларнинг қайси бири ишлатилади?
3. Видеоқаторлар қандай турларга бўлинади?
4. Анимация нима? Қандай турлари мавжуд?
5. Аудиотизим нима?
6. Аудиотизимни ташкил этувчилари
7. Видеотизим нима?
8. Видео форматлар нима?
9. Видеони сиқиши усуллари.
10. Чизиқли ва чизиқли бўлмаган видеомонтаж жараёни нима?

Амалий вазифалар:

1. Видеомаърузалар турларини санаб беринг ва хар бир турини яратиш учун дастурий таъминотини белгиланг.
2. Ўз фанингнз бўйича видеомаъруза яратинг.
3. Қайси дастурдан фойдаланингиз? Нима учун?

Адабиётлар ва интернет ресурслар:

1. Tay Vaughan, Multimedia: Making It Work, 8th Edition, 2011, p.481.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: www.tuit.uz, www.etuit.uz

В БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс.

Вазифа. Интернетда қўйидаги видеомаърузалар учрайди.

The image shows a grid of video presentation types with their names in Russian:

- Аудиториядаги видеоёзуви (Auditorium video recording)
- Слайд-маъруза (Slide presentation)
- "Говорящая голова" (Talking head)
- Студия ёзуви (Studio video recording)
- Неон доскаси (Neon board)
- Хан Академияси видеомаърузаси (Xan Academy video recording)
- Скрайбинг (Scribbling)
- Интерактив видеомаъруза (Interactive video recording)

1. Ҳар бир турдаги видеомаърузани яратиш учун дастурий таъминотини аниқланг.

№	Видеомаъруза тури	Дастурий таъминот	Нима учун ушбу дастурий таъминот олинган

2. Видеомаъруза тўғрисида синквейн ва кластер яратинг.
3. Видеомаърузани битта турини танланг ва уни яратиш босқичларини аниқланг.
4. Ушбу тудаги видеомаърузани қайси дир дастурий таъминотда яратиш технологияси тўғрисида видеомаъруза яратинг, СД дискка ёзиб, ўқитувчига топширинг.

VI БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VIII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Администратор	Administrator	электрон ахборот-таълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг хукуқларга эга бўлган мутахассис.
Аккаунт	Account	компьютерда сақланаладиган фойдаланувчи тавсифи.
Анимация	Animation	динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.
Асинхронлик	Asynchrony	вақтнинг турли онларида юз берадиган ҳодисалар ўртасида вақтинчалик боғланишлар йўқлигини кўрсатувчи аломат.
Видеоанжуман	Videoconferencing	Тасвирни Интернет мухитида трансляция қилиш орқали фойдаланувчиларнинг узоқдаги гурухлари орасидаги кенгаш ва мунозаралар ўтказиш методологияси.
Виртуал аудитория	Virtual classroom	ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармок технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.
Виртуал лаборатория	Virtual lab	ўрганилаётган ҳақиқий обьектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуа
Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим	LMS (Learning Management Systems)	Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим
Видеотехнология	Video technology	англ. Video technology сўзидан олинган бўлиб, ҳаракатни амалга оширувчи тасвирлар кетма-кетлигини яратиш ва намойиш технологияси
Виртуал борлик	Virtual reality (VR)	англ. Virtual reality (VR) сўзидан олинган – бу компьютерда яратилган 3 ўлчовли мухит бўлиб, мухит ва фойдаланувчи орасидаги ўзаро мулоқотни ўрнатиб берувчи модель ҳисобланади. Виртуал борлик технологияларининг техник асоси компьютер моделлаштириш орқали ҳаракат имитациясини яратиш асосида 3 ўлчовли тасвирлар билан бирга

		виртуал майдонда реал ҳаракат қилишига имкон яратади
Интернет	Internet	ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи.
Интернет орқали ўқитиши	Education through the Internet	ўқув-ахборот манбалари ва интернет компьютер тармоғи орқали ўзаро бир-бirlари билан боғланган реал вақтдаги ўқитиши.
Ички контентни бошқарув тизимлари	CMS (Content Management Systems)	Ички контентни бошқарув тизимлари
Контент	Content	курснинг барча ўқув материаллари, қўлланмалари, хужжатлари, вазифалари, тестлар ва назорат метериалларини қамраб олувчи курс мазмуни.
Модулли объектга йўналтирилган динамик ўқитиши муҳити	MOODLE - Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment	модулли объектга йўналтирилган динамик ўқитиши муҳити
Муаллифлик воситалари	Authoring tools	Муаллифлик воситалари – бу ўқув контенти ишланмаларининг воситалари. Улар ёрдамида таълимни бошқариш тизимининг (LMS) маълумотлар базасига жойлаштириладиган ўқув материаллар (электрон ўқув қўлланмалар, презентатсијалар, симуляторлар, видеотренинглар, тестлар) яратилади.
Мультимедиа	Multimedia	англ. Multimedia сўзидан олинган бўлиб, кўп муҳитлилик маъносини англатади ва матн, тасвир, аудио ва видео маълумотлардан иборат компьютер технологиялари тўплами хисобланади. Мультимедиа технологияларини маҳсус аппарат ва дастурий воситалар ташкил этади
GIF-анимация	GIF-animation	GIF-анимация – растр тасвирлар кетма-кетлигидан ташкил топган GIF форматида сақланган файл
Анимация	Animation	Мультипликация, англ. Animation, лотинча Multiplicatio сўз бўлиб, кўпайтириш маъносини англатади. Анимация - мультимедиа технологияси бўлиб, тасвирлар кетма-кетлиги натижасида ҳаракат ҳосил қилинади. Ҳаракат имитацияси 24, 25, 30, 60

		кадрлардан ҳосил бўлади
Онлайн машғулот	Online activity	барча қатнашувчи (талаబалар ва ўқитувчи)лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиласидиган ўқув машғулоти кўриниши.
Онлайн ўқиш	Online learning	интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули.
ОООК	МООС	Оммавий очиқ онлайн курс
Провайдер	Provider	компьютерларнинг тармоқса уланиш ва ахборот алмашишини ташкил қиласидиган ташкилот.
Сайт	Site	Графика ва мултимедия элементлари жойлаштирилган гипермедиа ҳужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот.
Синхрон	Synchronicity	Мунтазам вақт муддатларида рўй берувчи. Синхроннинг тескариси асинхрондир.
Телеанжуман	Teleconference	турли географик жойлаштирилган икки ва кўпроқ фойдаланувчилар гурухларини ўқитиш мақсадида тв-технологиялари орқали ахборотлар алмашиниш шакли.
Тизим	System	ягона мақсад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуаси.
Тьютор	Tutor	аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг алоҳида турларини ўтказиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига раҳбарлик қиласидиган, ўқувчилар томонидан ўқув режасини бажаргандилари ҳамда ўқув материалини ўзлаштиргандиларини назорат қиласидиган ўқитувчи – маслаҳатчи.
Ўқитишинг виртуал муҳити	Virtual learning environment	таълим жараёнининг барча иштироқчилари орасида интерактив алоқани таъминлайдиган маҳсус ўзаро алоқадор ва доимий янгиланиб туриладиган ўқитиш воситаларининг мажмуасини ташкил этувчи очиқ тизим.
Фойдаланувчи интерфейси	User interface	фойдаланувчини тизим ёки тармоқ билан ўзаро таъсирини аниқлайдиган шакл.
Форум	Forum	сайт орқали мулоқот қилиш шакли. Форумдаги ахборотларнинг ҳар бири муаллифи, мавзуи ва ўзининг мазмунига эгадир.

Чат	Chat	ахборот алмашиш реал вақтда олиб бориладиган интернетдаги муроқот.
Электрон почта	Email	компьютер тармоқлари асосида фойдаланувчилар ўртасида электрон шаклдаги матн, тасвир, овоз, видео ва бошқа ахборотларни узатувчи ва қабул қилувчи восита.
Электрон университетлар	Online university	бу Интернетдан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги технология ва шакли.

VII БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР
РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралданаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралданаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлданаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлданаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августданаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнданги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Информационные технологии в педагогическом образовании. Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
2. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun. 2015. - 134 pp.
3. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition. 2014. - 176 pp.
4. Baldauf, M., Brandner, A. and Wimmer, Ch. 2017. Mobile and gamified blended learning for language teaching: studying requirements and acceptance by students, parents and teachers in the wild. In *Proceedings of the 16th International Conference on Mobile and Ubiquitous Multimedia* (Stuttgart, Germany — November 26 - 29, 2017). ACM New York, NY, 13-24. DOI= <http://doi.acm.org/10.1145/3152832.3152842>
5. Swan, K., Day, S. and Bogle, L. 2016. Metaphors for Learning and MOOC Pedagogies. In *Proceedings of the Third ACM Conference on Learning @ Scale* (Edinburgh, Scotland, UK — April 25 - 26, 2016). L@S '16. ACM New York, NY, 125-128. DOI= <http://doi.acm.org/10.1145/2876034.2893385>
6. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.

V. Интернет сайты

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
2. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: www.tuit.uz, e-tuit.uz
4. www.ziyonet.uz
5. www.lex.uz

